

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Гулистон давлат университети
“ҚХМҚИ ва ИЧТ” кафедраси

Умурзоқова Дилнозанинг

5142000-меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалавриат даражасини олиш

учун **“МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ
ҚЎЙИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: п.ф.н. доц. Б.Қурбонов

Гулистон 2012

“МАКТАБ ЎҚУВ РЕЖАСИДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ ҚЎЙИЛИШИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ”

Умурзоқова Дилнозанинг

Мундарижа

Кириш-----

I БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ

1.1. Меҳнат таълими дарсининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этишга қўйиладиган талаблар-----

1.2. Меҳнат таълими ўқитишда педагогик технологияларнинг ўрни, ўқитишда ноанъанавий ва интерфаол усуллардан фойдаланиш-----

1.3. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг ўнта қоидаси, ўқитувчи обрўсини нима белгилайди-----

1.4. Меҳнат таълими фанини ўқитишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва маданияти-----

1.5. Меҳнат таълимини ўқитишда ноанъанавий ва интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланиш-----

II БОБ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Меҳнат таълимини ўқитиш-----

2.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув жараёнидаги таъсирчанлиги ва касб-корлик сифатлари-----

2.3. Меҳнат таълими дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш-----

2.4. Меҳнат таълими фанини ўқитишда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва маданияти-----

ХУЛОСА-----

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ-----

КИРИШ

Мустақил Республикамизда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар юзага келиши ва меҳнат бозорининг шаклланиши ёшларни узлуксиз меҳнат таълимига ўргатишнинг қатор тизимини ишлаб чиқариш ва илмий асослаш заруриятини келтириб чиқаради. Бу тизимнинг энг асосий звеноси, билимлар сифати меъёри давлат стандарлари асосида ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашдир.

Меҳнат таълимини сифати ўқувчини олган билим меъёри (тушунчалар-тизими), қанчалик олган билимлари туфайли ўрганилганлигини, касбини, мутахассисликни эгаллаш (уни ишлаб чиқаришга тадбиқ эта билиш, бевосита бошқара билиш каби) даражаси ўқувчини мустақил фикрлашга оид макон ва замон тақозо қилувчи меъёрлардан биридир.

Меҳнат таълимини мақсади “Ҳар томонлама камол топган, қобилятли, малакали, ўз касбини севадиган, мулкка бўлган муносабатни шакллантиришдан иборатдир”. Чунки меҳнат қилган инсон поклик, халоллик, виждонлик, меҳрли, хис туйғули, дид каби фазилатларни ўзида мужассамлаштириб камол топади.

Меҳнат таълими сифатини (бошқа фанларга нисбатан) таркибий қисми ққуйдагича белгиланади:

- касб мутахассислик, фан техникага, қишлоқ хўжалиги ва саноатга оид бўлган билимлар;

- ишбилармон, ижодий яратувчи, қобилятли, малакали, кўникмаларни ифодаловчи фаолиятига оид бўлган тушунчалар;

- ижодий фаолиятини мужассамлаштирувчи тажрибаси;

- дастлабки меҳнат кўникмаларини маънавий фазилатлари, оламни хиссий идрок этишга оид тажрибаси;

- меҳнатни бошқа фанлар билан боғлаб ўқитилишини бир меёрда ўрганиш тажрибаси.

Ўрта умумтаълим мактабларида меҳнат таълими 1-9 синфларда узлуксиз равишда асосан қуйидаги йўналишда:

- меҳнат таълимини маиший хизмат асосида ўрганиш;
- меҳнат таълимида қишлоқ хўжалиги меҳнати асосини ўрганиш;
- меҳнат таълимида ўқувчиларни ижодий меҳнатга амалиёт орқали қизиқтиришни;
- меҳнат таълимини халқимизнинг миллий ҳунармандчилигини билиш туфайли ўрганиш;
- меҳнат таълимини иқтисодий таълим ва ЭХМ элементларини билиш орқали ўрганиш;
- меҳнат таълимини махсус мактаблар орқали ўрганиш.

Меҳнат таълими бу йўналишлари унинг энг аввало мазмунини аниқлайди. Амалий ишда 1-7 синфларда қоғоз ва кортон билан ишлаш, уй рўзғор ишлари, миллий ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалик меҳнати, ижтимоий-фойдали, унумли меҳнат, иқтисодий билим асослари, электротехника ва автоматика каби тушунчалар илмий педагогик жиҳатдан асосланиб назарий ва амалий равишда материалларга ишлов бериш технологияси ўрганилади. Амалий машғулотларда қуйидагилар амалга оширилади:

8-9 синфларда бирор касбга нисбатан йўналиш аниқланиб, миллий ҳунармандчилик, наққошлик, ганч, ўймакорлик, дурадгорлик, этикдўз, зар дўппи, бичиш-тикиш, тўқиш, тўқимачилик, ишлар чиқариш асослари, қандолатчилик, савдо хизмати, иш юритиш асослари, лаборант, шофёр, электротехник, радиотехник, компьютер оператори ва ҳ.к. каби касблар бўйича илмий педагогик жиҳатдан тажрибада синаб кўриб, сўнгра ҳаётга йўлланма берилади.

Мавзунинг долзарблиги: ўрта мактабда меҳнат таълими дарсларини фақатгина амалий дарсда ўтиш ва ўқувчиларни меҳнатга, ҳаётга, қўлидан бирор бир касбий иш келоладиган қилиб тарбиялаш.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, бирор ишни бажаришда назарий билимлари асосида меҳнат қилиб жамиятга фойда келтиришга ўргатиш.

Ишдаги илмий янгиликлар: ўқувчиларни амалий машғулотларда бирор касбни эгаллашларига ёрдам бериш, уларни жамият учун етук мутахассис бўлишига амалий билим бериш.

Ишнинг амалий аҳамияти: ўқувчилар мактабни битириб, бирорта корхонада ўзи ёқтирган касби бўйича меҳнат қила олишига ёрдам бериш. Амалий машғулотларда бажарган ишларини ишлаб чиқаришга қўллаш.

I БОБ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ

1.1. Меҳнат таълими дарсининг мақсади, вазифалари ва уни ташкил этишга қўйиладиган талаблар

Меҳнат таълими ўқитувчиси раҳбарлигидаги ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўйилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини шакллантиришга қаратилган ўқув фанидир. Ўрта мактабдаги меҳнат таълимини шартли равишда ўқув ва унумли меҳнатга бўлиш мумкин.

Ўқув меҳнати актив фаолият бўлиб, атрофдаги воқеяликни ва ўзини билишга қаратилган, мақсад, куч, ғайрат ва эришилган натижалар мавжуд бўлгандагина таълим меҳнатга айланади. Ўқув меҳнати фаол фикрлаш билимларни мустақил эгаллаш, қайта ишлаш ва ижтимоий тажрибада қўлланиш асосида қўланилади. Шу асосда кишининг ўз қарашлари ва эътиқоди шаклланади. Камол топаётган кишилар фақат фан асосларинигина эмас, балки уларнинг амалий технологик мазмуни ва тадбиқ этилишини ҳам ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга бу жараён амалиётнинг назарияга сингиб кетиши сифатида эмас балки назарий ва амалий мўлжал асосларининг қўшилиб кетиши сингари намоён бўлади.

Унумли меҳнат болалар ва катталарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва оламни ўзлаштиришга қаратилган самарали меҳнати, шахснинг ҳозирги вақтдаги ва келгусидаги жисмоний-маънавий эҳтиёжларини кондириниш учун зарур бўлган моддий ва маънавий маданиятни ишлаб чиқаришдир. Ҳақиқий фойда келтирадиган унумли меҳнат тарбиявий меҳнатга айланади, бунда содир бўладиган меҳнат муносабатларида унинг

қатнашчиларини шахсий ва ижтимоий манфаатлари онгли ва уйғун равишда қўшилиб кетади. Унумли меҳнат иқтисодий масалалардан ташқари тарбиявий, таълимий маълумот берадиган вазифага ҳам эгадир.

Унумли ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни қадрлаш, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларни касбга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсад амалга ошириш учун, таълимий-тарбиявий ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим.

Таълимий вазифа-ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб шакллантиришлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа-ўқувчиларда меҳнат кўникмалари шакллантириш жараёнида меҳнат ва касб муносабатлари юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа-меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, баъдий-эстетик тарбия ва таълим бериш касбга тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Меҳнат таълими фанининг мазмуни шартли равишда учга яъни меҳнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача махсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва амалий машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчилар

томонидан илмий, услубий нуқтаи назардан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиб борилиши, меҳнат таълими машғулотларини аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлайди.

Меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб ва касб-ҳунар коллежлари атрофидаги корхона, ташкилотлардаги касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимидан қуйидаги йўналишларни асос қилиб олиш мумкин:

- ёғоч ва металга ишлов бериш технологияси;
- газламага ишлов бериш технологияси;
- пазандачилик асослари;
- қишлоқ хўжалик асослари;
- халқ ҳунармандчилиги ҳамда йўналишларда.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги бўлимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмаларини шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари;
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумотлар ва ишлатиш усуллари;
3. Машина, механизм, станоклар ва мосламаларнинг умумий тузилиши;
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси;
5. Халқ ҳунармандчилиги касблар бўйича умумий маълумот бериш.

Бундан ташқари уй-рўғзор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмаларини шакллантириш, компьютер технологиясидан фойдаланиш, электротехника воситаларидан тўғри фойдаланиш ва таъмирлаш, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария-гигиена қоидалари ҳақидаги билимлар ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда берилади.

Ўқувчиларнинг меҳнат таълимини амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий ва услубий вазифаларни ҳал қилиш лозим:

Ташкилий вазифалар: меҳнат таълими бўйича ўқув хонаси ва устахона ташкил қилиш ва уларда хавфсизлик, қулай меҳнат шароитларини яратиш. Маҳсулотлар учун зарурий ҳомашё, материал, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ҳамда мосламалар механизмлар, станоклар билан амалий ишлаш жараёнини ташкил қилиш. Санитария, гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, касблар ва касб эгалари билан яқиндан танишиш учун корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

Расмий ҳужжатлар: меъёрий режалаштирувчи ҳужжатлар устахона хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига доир ҳужжатларни юритиш.

Услубий вазифалар: машғулотларни иш режаларини тузиш. Бунда маҳаллий шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни яқиндан таштириш умумкин бўлган касб турларини танлаш, ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига хос меҳнат машғулотларини ва касб танлашларини амалга ошириш, машғулотларда замонавий илғор педагогик технологиялар, янги дидактик воситалардан кенг фойдаланиш, таълим ва тарбияни бирлигини таъминлаш, ўқувчиларга турли касбларга тегишли дастлабки меҳнат, кўникма ва малакаларни, меҳнатсеварликни шакллантириш. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб боришда уларнинг ёш хусусиятларини, шахсий психологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида назорат қилиб бориш. Халқ хунармандчилигини айрим касбларини ўргатиш учун уста-шогирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларида фойдаланилади. Бундай машғулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан хал қилинади.

Амалий машғулотларнинг мақсади ўқувчиларга ўрганилаётган билим, кўникма ва малакаларни бевосита ижтимоий фойдали ва унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида (устахонада, фермада, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги экинзорларида ёки ҳунарманд уста ҳузурида) мустаҳкамлашни бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил қилишдан иборат.

Билим кишиларнинг назарий маълумотларда ифодаланган ва ишлаб чиқариш топшириқларини онгли равишда бажариш учун зарур умумлашган тажрибасидир. Билимларни ўзлаштириш, фактларни, ҳодисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларни билиб олишдир.

Кўникма инсоннинг ўзидаги билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилардаги билим, кўникма бирор ишни бажариш учун зарур ва етарли даражада епчил ҳаракатдан иборат бўлади.

Малака онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнатни кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементиدير.

Касб инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий махсус таълим олиш билан ўзлаштирилган билим ва малакаларни талаб қилади.

Ихтисос касбдан жамиятда меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келади ва шахс томонидан мукамал эгаллаб олган тор меҳнат фаолиятидир.

Масалан, тикувчи, бичувчи, модельер.

Малака-кишининг касб маҳоратини, ҳунарни эгаллаш даражасидир. Ишнинг малакаси таъриф заряди, класс ёки унвон билан белгиланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ҳар қандай машина, механизм ва хатто айрим

деталларни яратиш. Бу жараён охиригача бажарилган ишлар циклидан иборатли бўлиб фарқланади.

Технологик жараён-ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, ҳар қандай буюмни яратиш учун ашёлар ҳолатини ўзгартиришдан иборатдир.

Технологик операция-технологик жараённинг бир иш ўрнида битта ёки бир неча ишлар охиригача бажариладиган қисмидир. Масалан: бичиш, тикиш ва ҳақозо.

Иш усули-ишчининг технологик операциясида айрим технологик ўтишларни бажаришдаги ҳаракатлари мажмуидир. Меҳнат ҳаракати ишчининг бирор технологик ўтиш элементини бажариши. Иш ҳаракати ишнинг бирор технологик ўтишни бажариш учун меҳнат ҳаракатларининг мажмуидир.

Таълимнинг тарбиявийлиги: ўқув материали мазмунининг ғоявий йўналишини белгилаш. Ўқитувчининг юксак ғоявий-сиёсий сифатлари ва шахсий ибрати. Меҳнат ва касб таълими жараёнида узлуксиз тарбиялаш ишларини амалга ошириш.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш: ҳозирги замон фанида узул-кесил исботланган қоидаларни ўзлаштириш. Фақат фан ва техникада қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, мамлакатимизда ва чет элларда фан-техника бўйича эришилган янги муваффақиятларни ўрганиш.

Таълимнинг мунтазамлиги ва изчиллиги: меҳнатва касб таълимини дастурдаги тартибда ташкил этиш, шунингдек, ўқитишни янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш мақсадида, илгари ўрганилган материалларга боғлаб амалга ошириш.

Назарияни амалиётга боғлаш: назарий билимлардан амалиётда ва ўқувчиларнинг тажрибаларидан назарий машғулотлардан фойдаланиш.

Таълимнинг ўқувчиларга тушунарлиги: таълимнинг мазмуни унинг усулларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний имконият ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Бу талабалар ўқув материални қисмларга

тўғри тқсимлаш, таълимнинг турли усулларида фойдаланиш, вақт нормаларини тўғри белгилаш, ўқувчиларнинг қизиқишларини назарда тутиш билан бажарилади.

Таълимнинг политехник йўналиши: ҳозирги замон тараққиёти тўғрисида, ишлаб чиқаришда кўп учрайдиган технологик жараёнлар тўғрисида, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлашидаги умумийлик тўғрисида маълумотлар бериш, хилма-хил меҳнат малакаларини сингдириш, меҳнат масалаларини ижодий ҳал қилишни, ихтирочилик ишларини, умумтаълимий ва махсус фанлардан олинган билимларни амалга тадбиқ этишни ўргатиш.

Таълимий ва тарбиявий меҳнат: ижтимоий фойдали буюмлар яратиш борасидаги унумли меҳнат асосида ишлаб чиқариш таълими бериш. Бу меҳнат технологик жиҳатдан яхши таъминланиши билан фарқланади.

Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги: таълимни ўқувчиларда ташаббускорлик ва устақилликни тарбиялайдиган йўсинда олиб бориш. Мана шу фазилатлар ўқув материалларни яққол фойдалаш ва уларни ўқувчилар тушуниб ўзлаштириши, назарий ҳамда ишлаб чиқариш таълимини узвий боғлаб олиб бориш, таълимнинг энг самарали усуллардан фойдаланиш натижасида таркиб топади.

Кўрсатмалилик: таълимни ўқувчиларда дунёдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида жонли мушоҳада асосидаги тушунча тасаввур ҳосил қиладиган, кўникма ва малакаларни шакллантирадиган йўсинда амалга оширишни таъминлаш. Кўрсатмалилик экскурсиялар уюштириш, меҳнат усулларини, плакат, схема, буюмларнинг намуналарини, диафильмларни намойиш этиш орқали амалга оширилади.

Билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш: ўтилган ўқув материалларни мунтазам равишда такрорлаб бориш, янги материални мустаҳкамлаш тадбирларини қўллаш. Бунга материални тушунарли қилиб баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилган материални ўз ўрнида

такрорлаш, уларни аста-секин мураккаблаштира бориш, доимо ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш орқали эришилди.

Меҳнатфанлар асосини чуқур ва амалий ўзлаштиришда болалар дунёқарашини шакллантиришда, уларни фикр юритишга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий воситалардан биридир. Кўп асрлик тажриба шуни кўрсатадики, инсонларнинг меҳнати туфайли чексиз бойликлар ва имкониятлар пайдо бўлади. Меҳнат фани иқтисодий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланиб, ўқувчиларнинг иқтисодий билимини ҳам мустаҳкамлайди.

Собиқ тузум даврида иқтисодий меҳнат тарбияси ёрдамида ўқувчиларда илғор умумбашарий ва миллий ғурурни шакллантиришга етарли эътибор берилмади. Айниқса меҳнат дарси орқали болаларда иқтисодий билим ва малакани пайдо қилишдек дарснинг асосий мақсадидан чекинилды. Аслида эса меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва иқтисодий меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва кучайтириш лозим.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғли қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билимга ва малакага эга бўлдилар. Аввало бу дарсларнинг мазмунини тўғри белгилаб олиш зарур. Меҳнат таълими тарбиясининг ижтимоий ва иқтисодий йўналганлиги, меҳнат дарсларини бозор иқтисоди талаблари асосида педагогик технологиялардан ва малакалардан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳисобга олган ҳолда, уларни амалий санъат тўғарақларига жалб қилиш ўқувчиларга меҳнат дарсларида иқтисодий билим беришда ёши, шахсий хусусияти эътиборга олиш, ўқувчиларнинг меҳнат натижаларини рағбатлантириш ва камчиликларини дўстона ҳал этиш каби масалалар дарснинг мазмунини ташкил этади.

Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан бирга теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳозирги кунда меҳнат дарсларида “ўз-ўзини бошқариш” ва “ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш” каби ижодий амалий ишларни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўқувчилар “Мато билан ишлаш” машғулотларида керакли асбоблар ва керакли газламалар ёрдамида аниқ режа белгилаб, ўлчам оладилар ва шу ўлчам асосида иш фартуги, игна қадагич, чойнак ёпқич, чойнак таглиги, юмшоқ ўйинчоқ каби буюмлар тикишни ўргатадилар. Тикиш жараёнида қайси мато туридан ишлатишни, матони исроф қилмасликни, ишнинг сифатлилигини, эстетик жиҳатдан бежирим ва чиройли бўлишига ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг бажарган ишлари асосида мактаб шароитидан келиб чиқиб, ҳар хил кўرғазмалар ёки ўқувчиларнинг ўзлари учун мактаб бозорларини ташкил этиш мумкин. Бу ўқувчиларда ўзига ишонч, ижодкорликка интилиш, ўзгалар меҳнатига ҳурмат туйғуларини шакллантиради. Ўқувчи онгида меҳнатга муҳаббат хисси қарор топади. Натижада ўзининг касбини, ҳунарини ҳурмат қиладиган, жамиятимиз ривожини учун муносиб ҳисса қўшоладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда ўқувчиларни замон талабига мос ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш билан бир қаторда таълимни уларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу жамиятга ўз қарашлари шаклланган, кенг фикрга эга, ижодкор, қобилиятли, эгаллаган билимларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган, давр талабига мос яшаш, меҳнат қиладиган, маданиятли, одоб-иқромли, одамгарчилик хусусиятларига эга бўлган, жисмоний жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш талабини қўймоқда.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давр талабига мос кадрлар тайёрлашда мактабнинг ўрни катта эканлиги

хаммамизга маълум. Шунинг учун ҳам мактабда дарсга алоҳида аҳамият қаратилади ва ўқитувчининг замон талабига мос дарс ўтиши талаб этилади. Узоқ даврлар мобайнида дарс жараёнини ташкил этиш назарияси ишлаб чиқилган бўлсада, уни амалга оширишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўқувчининг ўзи мустақил равишда ишлаши, билимларни ўзи мустақил эгаллаб олиш қобилияти ҳали тўғри йўлга қўйилмаган, яъни, дидактик олимлар таъкидлаганидек, “Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса шу ҳақиқатни ўзи эгаллаб олиш йўлини кўрсатиб беради”. Дарс ўқувчиларнинг мавжуд билимларини эгаллашига йўналтирилади. Ташқаридан қараганда бу ёндошув тўғри бўлиб кўринсада, бу масала атрофлича таҳлил қилинганда асосан ташқи кўринишига эътибор қаратилиб, ички тузилишида ўқувчиларнинг билим олиши, ўй-фикрлаш қобилияти ҳисобга олинмайди. Ўқитувчи ўзининг олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳаракат этади. Ўқувчиларнинг фаоллиги эътиборга олинади-да, бироқ амалга оширилмайди. Тўғри ташкил этилмаган дарс ўқувчиларнинг ўқиш-билиш фаоллигини назорат қилиш имкониятини ярата олмайди. Ҳар хил метод ва усулларни амалда қўллаш имконияти йўқ. Дарснинг боришидаги йўл қўйилган камчиликларни назарга олиб, кўпчилик дидактлар дарс боришини мустақил тузиб, ўқувчининг фаоллиги, ижодкорлигини таъқиқламаслик зарур дейишади. Бу фикрни тўғри талқин этиш лозим. “Таъқиқламаслик керак” деганда, дарснинг боришини хоҳлаганча ташкил этавер, деб тушунмаслик керак. Дарснинг бориши унинг турига, мақсадига, мазмунига, болаларнинг имкониятига қараб ташкил этилиши шарт.

Жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар ўқиш методикасига назарий ва амалий жиҳатдан давр талабига мос дарсни ташкил қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам таниқли олимлар билан методистлар, ижодкор ўқитувчилар бугунги дарс қандай бўлиши керак, у олдинги ўтилган дарсдан нимаси билан фарқ қилиши лозим деган саволга жавоб қидирмоқда. Шундан

келиб чиқиб ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни ҳам янгиланди, мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг сифатига, ўқув жараёнини ташкил этишга эътибор кучайди. Бироқ, жамиятдаги айрим шахсларнинг бундай ҳолатларга етарли даражада тайёр эмаслиги мактаб ҳаётидаги тенгсизлик, формализм, ижодкорларга эътибор бермаслик, фақат буйруқбозлик асосида ишлашга қаратилган мактаб ҳаётидаги камчиликлар ҳали ҳам учраб туради. Айрим ўқитувчилар ҳамон ишончли методнинг ўрнига мажбурий (буйруқбозлик) методи билан ишлаб келмоқда. Шу сабабли дарс ва мактаб ҳаётидаги мавжуд камчиликларни назарда тутиб, ўқитувчиларнинг назарияси билан амалиётига ҳамда изланувчан ўқитувчиларнинг тажрибаси билан иш фаолиятидаги ютуқларига суянган ҳолда, дарсдаги таълим-тарбия ишидаги қуйидаги кўринишларни назарда тутиш ва имкон қадар таълим жараёнига татбиқ этиб боришимиз зарур.

Биринчидан, синф мустақил (эркин) психологик муҳит, ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром, ишонч ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш;

Иккинчидан, ўқув фаолиятининг олий мотивини келтириб чиқариш, фақат ўқувчиларга ўқув материалнинг аҳамиятинигина билдириб қолмасдан, уларга билим олишнинг ўқитувчи томонидан таклиф қилинган методларига эътиборни қаратиш;

Учинчидан, ўқувчиларни билим олишини кафолатловчи ишончли метод ва усуллар билан таништириш (тушунча, ўзлаштирилган билимни амалда қўллай олишга қаратилган метод ва усуллар билан таништириш). Бу ўқувчиларнинг яхши ўқишига, таълим-тарбия олишида фаолликка, ижодкорликка олиб борадиган фойдали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади;

Тўрттинчидан, дарсни ўқувчиларнинг мустаҳкам, яхши билим олишига (билим олиш бу назарий олган билимларини ҳаётда қўллай билиш

деган сўз) йўналтириш. Бу эса ўқувчининг ўз билим ва кучига ишончни янада ортишига олиб келади;

Бешинчидан, барча ўқувчиларнинг олий даражада билим олиб, (давлат таълим стандарти асосида) уни янги шароитда қўллай олиш имкониятларига шароит яратиш. Дарсда ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятини тўғри хулосалиташкиллаштира олиш ва уларнинг ўз меҳнатининг мевасидан қаноатлана оладиган шароитлар яратиш.

Ҳозирги пайтда дарсда ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида ишонч, бири-бирига хурмат-эҳтиром, соғлом муҳит, ижодкорлик йўналишда биргаликда ишлаш муаммолари, айниқса, муҳим бўлиб турибди. Мактаб-умуман айтганда халқ мактабига, миллий мазмунига эга бўлади.

1.2. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ, ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бугунги кун ўқитувчи олдида ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишни, ўқувчи шахсига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни ва таълим муассасаларида ўтказилаётган дарс жараёнларини замонавийлаштиришни тақозо этмоқда.

Шу ўринда, аввало, замонавий дарс ўзи қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топиш лозим. Замонавий дарсга педагогик фанлари доктор профессор Ж.Йўлдошев қуйидагича таъриф берган: “Замонавий дарс шундай дарски, унда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожлантиришни таъминлайди”.

Дарҳақиқат ҳар бир ўқитилаётган дарс ҳам объект, ҳам субъект сифатида ўқувчига йўналтирилиши лозим. Бу жараённинг ташкилотчиси ҳам, олиб борувчиси ҳам, таҳлил этувчиси ҳам ўқитувчи.

Шундай экан, у дарс мавзусини илмий, назарий ва амалий-методик жиҳатдан пухта билиши, уни ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлай олиши, ўқувчига унинг истак-ҳоҳиши, эҳтиёжига мос ҳолда содда, равон, тушунарли тилда тўлиқ етказа билиши лозим. Бу эса, биринчи навбатда, ўқитувчининг дарсга қай даражада тайёрланганлиги билан белгиланади.

Дарсга тайёргарликни нимадан бошлаш керак?

-дарснинг мавзусини аниқлаш ва уни шакллантириш;

-ўқув курсида мавзунинг ўрни ва ролини белгилаш.

Иккинчи навбатда ўқитувчи дарс мавзуси мазмунини тўла очиб бериши учун белгиланган дарс босқичларини мукамал, маълум бир кетма-кетлик асосида ташкил этиши зарур. Булар:

-дарснинг ташкилий қисми;

-ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, уйга берилган вазифани сўраш ва такрорлаш;

-янги мавзу баёни;

-мустаҳкамлаш, умумлаштириш;

-ўқувчиларнинг билимини баҳолаш;

-уйга вазифа бериш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу дарс босқичлари муайян қолип эмас, ўқитувчи ўзининг ҳар бир дарсини ўтиладиган мавзу, унинг имураккаблик даражаси, мавжуд шарт-шароит ва маҳоратидан келиб чиққан ҳолда бу жараённи ижодкорлик билан турли хил тартибда ташкил этишимумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ўқитувчи дарсдаги уч муҳим босқич-ташкилий, асосий ва якуний қисмларни эътибордан четда қолдирмаслигилозим. Шу асосда дарснинг ривожлантирувчи таълимий функциялари изчилликда амалга оширилади.

Педагогик технологиянинг мувофақиятли лойиҳаланиши ва якуний натижанинг кафолатланиши ўқитувчининг дидактик масалалар моҳиятини англаб етиш даражаси ва дарсда уларни тўғри баҳолай олишига боғлиқ.

Ҳар бир дарсда таълимнинг аниқ мақсади белгиланиши, ўқитиш технологиясини лойиҳалашда муҳим шартлардан бири саналади. Бунда фан мавзулари бўйича ўқитишнинг ташхисланувчи мақсади аниқланади. Ҳар қандай фан ўзининг пайдо бўлган вақтидан бошлаб қайта билимлар ҳажмини тўплаган ва юқори тенгликда бойиб бормоқда.

Маълумки, билимларнинг ўқувчилар томонидан эгалланиши, уларнинг хусусий ўқув фаолияти натижаси туфайли рўй беради. Ҳар қандай ўқув фаолияти умумий лойиҳа бўйича кўрилади ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради.

Қуйида “Меҳнат таълимини ўқитиш методикаси”ни ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга оид дарс ишланмасини келтирамиз:

Фан: “Меҳнат таълимини ўқитиш”

Мавзу: Меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.

Дарснинг мақсади:

1. Таълимий мақсад: ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва АЛ, КХҚларида таълим олишларига йўлланма бериш.

2. Тарбиявий мақсад: ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш жараёнларида меҳнат ва касбга бўлган муносабатларини, юқорий ахлоқий сифатларини, меҳнатсеварликни, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб бориш йўлларини ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи мақсад: меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, бадий-эстетик тарбия ва таълим бериш, уларни баркамол шахс бўлиб етиштиришларига ёрдам бериш.

Дарснинг жиҳози: “Меҳнат таълими” дарслиги, касблар тўғрисида плакатлар. Янги дарс мавзуси мазмунининг таянч тушунчалари, кўникма,

малака, технологик жараён, таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифалар.

Дарснинг бориши: 1.Ташкилий қисми: ўқувчилар эътиборини дарсга жалб қилиш. Дунёда рўй берган сўнги воқеалар тўғрисида ахборот бериш;
2.Уйга берилган вазифаларни қандай бажарилганлигини аниқлаш.

Ўқувчиларга қуйидаги саволлар берилади.

1. Сазавотларга қандай ишлов берилади?
2. Газламага ишлов берадиган асбобларга қайсилар киради?
3. Пазандачилик асосларини ўрганиш шартми?
4. Янги ўзбек таомларига нималар киради?

Янги дарснинг баёни:

Режа: 1. Меҳнат таълимини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси.

2. Меҳнат таълимида ўқитиладиган йўналишлар.

3. Меҳнат таълими фанини мазмуни ва уни амалга ошириш.

Мустақил иш ташкил этилади: бу иш баён қилинган матнустада ишлаш шаклида амалга оширилади.

-сабзавотларга ишлов бериш;

-гўшт ва гўшт маҳсулотларига ишлов бериш;

-пазандачиликда иссиқ ишлов бериш.

Дарсни мустаҳкамлаш: ўқувчиларни мавзу мазмунини қандай ўзлаштириб олганликлари “Ақлий хужум” методи орқали амалга оширилади. Бунда мавзу матнидаги муҳим масалалар саволларда ўз ифодасини топади.

Дарсни яқунлаш: дарсда нимага эришганлиги таъкидланади, фаол ўқувчилар рағбатлантирилади.

Уйга вазифа: берилган саволларга жавоб топиб келиш.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ўқитишнинг ноанъанавий усуллари орқали таълим бериш давр талабидир. Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари қўлланилганда ўқувчилар асосан мустақил фикрлашга ва мустақил таълим олишга йўналтирилади. Бунда ўқитувчининг фаолияти таълим

олувчиларга нафақат мавзуни тушунтириб бериш, балки улар учун топшириқлар тайёрлаш, мустақил таълим олиш жараёнини назорат қилиш ва уларнинг якуний билимини баҳолашдан иборат бўлади.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш мақсадида дарс якунида одамнинг 3 зил вариантдаги (қош, кўз, оғиз, бурун акс эттирилган) расмини доскага осади.

1-расмда инсоннинг ғамгин, хафа ҳолати, 2-расмда ўртачақувноқликдаги ҳолати, 3-расмда эса жуда хурсанд кайфиятдаги ҳолати акс эттирилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида 1-расм ёнига “Тушунмадим”, 2-расм ёнига “Ўртача тушундим”, 3-расм ёнига эса “Жуда яхши тушундим” деб ёзиб қўяди. Ҳар бир ўқувчи дарс якунларида расмлардан бирини танлайди. Уларнинг ҳар қайси расмини танлашига қараб, мавзу бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари ҳақида хулоса чиқарилади.

Айни пайтда ўқитувчи ўзи танлаган методининг самарадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконига эга бўлади. Масалан, ўқувчилар 1-ҳолатда тасвирланган расмини кўпроқ танлашсан бўлишса, ўқитувчи дарс бериш методини ўзгартириши лозим. 2-ҳолатда тасвирланган расмини кўп ўқувчилар танлашса, ўқитувчи ўтган мавзусини яна такрорлаши лозим. Агар ўқувчилар 3-ҳолатда тасвирланган расмини кўпроқ танлашган бўлишса, бу ҳол ўқитувчи қўллаётган методнинг самарали эканидан далолат беради. Бизнингча, нафақат назарий балки амалий машғулотларда ҳам ўқитишнинг ноанъанавий усулларида кенг фойдаланиш зарур.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш бо соҳада янги педагогик технологияларни изчил жорий этиш билан узвий боғлиқ. Таълим самарадорлиги ўқувчининг бу жараёнда қай даражада фаол иштирок этиши билан белгиланади. Таълим беришда ўқувчиларга мустақил фикрлаш, масаласига ижодий ёндашиш учун имконият яратилиши керак.

Ўқитиш услубий жиҳатдан 3 турга бўлинади:

1. Суст (маъруза тушунтириш);
2. Фаол (баҳс-мунозара);
3. Интерфаол (ҳамкорликда ишлаш).

Зарурий билимлар: дарсда мавзуга оид муҳим ахборот берилиши; ахборотнинг аниқлиги; ахборотнинг ўқувчиларга тажрибаси ёки уларнинг муаммолари билан боғланганлиги; ахборотнинг чуқур тушуниш ва танқидий фикрлашни ривожлантириш учун етарлилиги; ахборотнинг амалий аҳамиятга эгалиги; ахборотнинг интеллект нуқтаи назардан қизиқарли бўлиши.

Зиддиятлилик ва мувозана: дарсда муаммони турли нуқтаи назардан тақдим этиш; мавзуга оид саволларнинг ижобий ва салбий томонларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши; саволнинг баҳсли тузилиши; дарсда саволга бир нечта тўғри жавобни асослаш мумкин бўлган ахборотнинг берилиши.

Интерфаол усуллар: ўқувчиларга мавзу ва ундан кутилаётган натижаларнинг маълум қилиниши; ўқувчиларнинг бир-бирлари билан ҳамкорликда бўлиши; саволларга жавоб бериш учун етарлича вақт берилиши; дарсда ўқувчиларнинг фаол иштирок этиши; дарсда ўқувчилардан танқидий фикрлаш, талқин қилиш, баҳолаш ва таҳлил талаб этиладиган очик саволлардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг муаммоларни ҳал этиш борасидаги биргаликда ишлаши; ўқувчилар билан жуфтликда кичик гуруҳларда ишлаш; интерфаол машқларнинг мавзунини тушунишга ёрдам бериш; машқлар орқали масаланинг реал ҳаётдаги ҳолатини моделлаштириш; ўқувчиларга ўзлаштирилган мавзунини амалда қўллаш учун вазифа ва етарли вақт бериш.

Дарсда мутахассиснинг иштирок этиши: таклиф этилган мутахассиснинг интерфаол дарсга тайёр бўлиши; мутахассис ахбороти ўрганилаётган мавзунинг бир қисмини ташкил этиши зарурлиги; мутахассиснинг бевосита дарс мавзуси билан боғлиқ масалаларни ойдинлаштириши.

Интерфаол дарсларда ўқувчилар билимини назорат қилиш учун саволлар қуйидаги асосда тузилади: билим-аниқ фактлар (қачон, қаерда?); тушунча-ўзлаштирилган материалнинг моҳиятини тушунтириш (бу нима?); тахаллус-иккинчи даражали ғояларни асосий ғоялардан ажратган ҳолда ривожлантириш (қанақа нега?); синтез-муаммони ечиш ва янги ғояларни олиш усуллари қўллаш (қандай? қанақа?); қўллаш-янги ғояларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш (қандай? қай тарзда?); баҳолаш-хулоса ва мулоҳазалар (агарда? керакми?).

Дарсларда интерфаол усуллардан қай тарзда ва қачон фойдаланиш ўқитувчи ижодкорлигига ва албатта, ўқувчиларнинг қобилиятига боғлиқ. Бу борада ўқувчиларда кўникма ҳосил қилиш учун ўқув жараёнида интерфаол машқлардан кўпроқ фойдаланиш керак.

1.3. ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ, УНИНГ ЎНТА ҚОИДАСИ, ЎҚИТУВЧИ ОБРЎСИНИ НИМА БЕЛГИЛАЙДИ

Дарснинг сифати ва самарадорлиги кўп саҳифали тузилган дарс режасига боғлиқ бўлмайди. Режада мақсадлар, амалга ошириладиган ишлар, ким нимани ва қачон амалга ошириши, ҳар бир хатти-ҳаракатлар вақти сонияларга бўлинган бўлсада, дарсга тайёрланишга қанча меҳнат ва вақт сарфланса ҳам дарсдан қониқиш, кўзланган мақсадга эришмаслик ҳам мумкин. Баъзан пухта (синчиклаб) ишланган дарс режаси остин-устун бўлиб кетиши, ўқитувчи худди бўш ўқув хонасида дарс берганга ўхшаб қолиши мумкин.

Дарс жараёни ўта мураккаб бўлиб, ўқитувчи жуда кўп омилларни ҳисобга олиши керак: дарс кунинг қайси қисмига ўтади; ўқувчининг мияси чарчамаган дастлабки соатлардами; мавзу мазмунининг мураккаблиги қандай; ушбу мавзунини ўқувчилар мустақил билиш фаолиятларини шакллантиришдаги роли ва ҳақозо.

Шу сабабли ўқитувчи олдида доимо қуйидаги муаммолар туриши лозим:

1. Нима сабабдан дарс ҳар хил ўтади?
2. Нима сабабдан дарслар натижалари ҳар хил?
3. Нима сабабдан муайян дарс бир ўқув гуруҳида аъло даражада ўтади ва бошқа гуруҳлардан шу дарснинг ўзи барбод бўлади ёки муваффақиятсизликка учрайди?

Ҳатто, ўқитувчининг ҳар хил дарсларида ўқувчилар ўзларини бошқача тутишади, улар таниб бўлмайдиган, худди бошқа одамларга ўхшаб қолишади.

Дарс-бу ижодкорлик, лекин ижодкорлик фақат ўқитувчи эмас, балки ўқувчи учун ҳам ижодкорликдир. Ўсмирни дарсда фаол қатнашмаслиги дарснинг муваффақиятсиз бўлишига олиб келади. Ўқитувчи дарсда ўқувчилар иштирокисиз қанчалик меҳнат қилмасин, у дарсда яққаланиб қолган ҳолда ўзига-ўзи дарс ўтади.

Дарс ҳар бир ўқувчини ижодкорга айлантириши, уларни дарс мақсадига эришишда фаол қатнашишларига жалб қила олиш ўқитувчининг педагогик маҳоратини белгилайди. Бунда ўқитувчи ўқувчини билим олишга қизиқтира олиши, ундаги яшириниб ётган имкониятларни рўёбга чиқариши, бунинг учун кўнглига йўл топиши лозим. Аввал қизиқтириш, сўнгра ўрганиш лозим.

Ўқитувчининг фикри ва сўзи ўқувчиларни етаклаши, уларни ўйлаши, мустақил фикрлаш, хулоса чиқариш ва ҳар гал янгидан-янги қонун ва қоидаларни очишга мажбур этиши керак. Бунинг учун ўқитувчи фақат дарс материални ҳар хил маълумотлар келтирилган ҳолда баён этиши кифоя қилинади, бундан ташқари ўқувчиларни фикрлаш учун чақириш, уларда ўрганилаётган материалларга қизиқиш лозим.

Дарснинг муваффақияти ва сифати ўқув гуруҳини муайян мазмуни ўрганишга моил қилиш, уларни янги материални қабул қилишга

тайёрланишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ўқувчиларни янги материални қабул қилишга тайёрлаш керак. Агар ўқувчи гап нима ҳақида бораётганини тушунмаса билим олишга бўлган муносабати ва қизиқиши тезда сўнади. Бу ҳол кўпинча янги ўтилатган материал ўқувчиларга маълум бўлган мустаҳкам билим пойдевориغا таянмаган, боғланмаган ҳолда ўтилса рўй беради.

Мустаҳкам билим пойдевори бўлиши учун ҳар бир дарсда ҳар бир ўқувчи билан ўтилган мавзу бўйича савол-жавоб ўтказилиши лозим ва шу йўл билан ўқувчилар билимини мустаҳкамлаб олиш мумкин. Маълум бўлган материалдан номаълумга ўтиш кўпригини қўйиш учун ўқувчиларга мазкур фан бошқа фанлар бўйича ўтилган мавзуларга қайтиб келиш учун ўқувчиларга уйга вазифа берилиши лозим.

Ўқитувчининг маҳорати кимга нимадир тушунарсиз бўлганлигини ўз вақтида аниқлаб олишдан иборат. Ўқувчиларга нимани ўрганаётганларини фахмлаб олишларига, назарий билимларини амалда қўллашларига имконият яратиш ва ўргатиш лозим. Ўқув хонасини шундай жиҳозлаш керакки, ўқувчилар ўз қўллари, ақли, идроки билан ҳар хил схема, таркатма материаллар, ўйинлар, масала ва мисоллардан фойдаланган ҳолда мустақил ишларига шароит яратилган бўлиши керак. Инсон билимларни ютиб олувчи наमत эмас, балки машъулдир, уни ёқиш, аланга олдириш лозим ва шу алангани узлуксиз ушлаб туриш лозим.

Ўқитувчининг вазифаси-ўқувчиларга билимлар асосини бериш билим олишга бўлган қизиқишини аланган олдириш, билим олиш йўлларини ўргатишдан иборат. Шунда инсон эришилган натижалар билан кифояланиб қолмайди ва бир марта машъал инсоннинг бутун ҳаёти давомида ёниб туради. Ўқувчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини фараз ва гумонларни ҳамда таклифларни айтишга кўркмасликлари лозим. Агар бу ишни билими паст ўқувчи ҳам бажаришга журъат этса, мақсадга мувофиқ бўлади ва уларни дарс жараёнида бунга жалб этиш лозим. Ҳар доим зеҳнли ва зийрак ўқувчилар

билан савол-жавоб ўтказавериш мақсадга мувофиқ эмас, шундай қилиш керакки, энг уятчанг ва билими паст ўқувчилар ўз фикри ва мулоҳазаларини эркин сўзлаб берсин. Савол-жавоб дўстона олиб борилиши лозим.

Ўқувчилар мавжуд бўлган фандан кўрққиш ва уларни ўз имкониятлари мавжудлигига мунтазам равишда ишонч туғдириб бориш лозим. Агар ўқитувчи дарс материалини аниқ ва равшан баён этиб берган бўлса, агар ҳамма биргаликда бир фикрга келишган бўлса, мавзунинг моҳиятини аниқлаб олган бўлса, агар дарс ниҳоясида бефарқ ўқувчилар қолмаган бўлса, агар ўқувчилар билим олишга қизиқиб, яна илгари томон ҳаракат қилишга интилиши сезилган бўлса, бундай дарс самарали ўтилган бўлиб, мақсадга эришди деб хулоса чиқариш мумкин. Дарсда ўз-ўзини бошқариш интизоми катта аҳамиятга эга. Ўқувчи мазкур билимлар унга кераклигига ишонса, бу ишонч ўқитувчи томонидан мунтазам алангалатиб турилса, бундай дарсда ҳамма ишлайди, фикрлайди, исботлайди ва тартиб бузарликлар бўлмайди. Ўқувчилар қизиқарли саволлар беришади ва дарсни жонлантиришга ёрдам беришади.

Ўқитувчиликнинг ёзилмаган қонун-қоидалари ҳам борки, уни ҳар ким йиллар давомида тажрибаси, турли вазиятлар, ютуқлари-ю, йўл қўйган камчиликлари, умуман бошдан кирганлари асосида кашф этилади. Бошланғич таълим жараёни ўқувчининг шахс сифатида шаклланишида асосий пойдевор вазифасини ўтар экан, унинг эътиборини талаб этиши ҳам ўзига хосдир. Бу жараёнда вужудга келадиган, ўқитувчи амал қилиши лозим бўлган интилишини ривожлантиришга қаратилган 16 йиллик педагогик тажрибам асосида ҳамкасбларимга, ёш ўқитувчиларга ёдга тутиб, амал қилинса яхши натижаларни берувчи қуйидаги қоидаларни тавсия этмоқчиман.

Жумладан, дарс жараёнига мукамал тайёргарлик кўриш лозим, ўқувчи ҳар кунги дарсга қизиқиш назари билан қарайди, доим муаллимини кутган сабоқларига интиқ бўлади. Шунини тутган ҳолда ҳар бир дарсга янгича

ёндашиш, нимадир янги бир талқинда олиб чиқиш, фаолиятингизнинг асосий мезонларидан бири бўлиши лозим. Синфхона доскасидаги бўрдан ториб столингиз устида дафтарлар, дарс жиҳозларигача ҳаммаси ўз ўрнида бўлиши ўқувчига хушнудлик беради, кайфиятини кўтаради.

Ўқувчиларга яхши муносабатда бўлиш лозим. Зўро сўрмазмун иш учун синфхонада аъло муҳид яратиш ўзининг ижобий самарасини беради. Бошланғич синф ўқувчиларининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда суҳбатни об-ҳаво, оила ҳақидаги мавзулардан бошланган маъқул. Негаки, бу масала ҳар бир ўқувчи учун яқин ва азиз. Бу босқични тўғри ташкил этиш, ҳар бир ўқувчида ўқитувчининг муносабатидан мамнунлик, самимийлик ва ишонч туйғулари уйғотиш зарур. Ўз-ўзидан бу ҳолат дарсхонадаги ижодий муҳитни яратишга ҳам замин ҳозирлайди.

Дарс мақсадининг аниқ белгиланиши ҳам жараённинг муҳим талабларидан биридир. Ҳар қандай машқни амалиётга тадбиқ этаётганда мақсадни аниқ кўйиш ва шунга кўра ўқувчиларга топшириқ бериш лозим. Белгиланган аниқ мақсадга этишиш учун қилинган хатти-ҳаракатни амалга ошириш ўқувчилар учун ҳам қулайдир. Кўргазмаликка этибор бериш бошланғич таълим жараёнининг муҳим жиҳатларидан биридир. Зеро ўқувчилар ҳар бир мавзу бўйича берилган ахборот ва хулосаларни нафақат эшитиш, балки кўриш орқали ҳам қабул қилиб, кўпроқ нарсани эслаб қолиш имкониятига эга бўладилар.

Ўқувчиларга ўзингизнинг ҳаракатингизни тушунтиринг. Негаки, кичик ёшдаги ўқувчи учун аниқлик муҳим саналади. Ўқитувчининг асосий вазифаси келишилган мавзу ва мақсадга эришиш ҳамда муҳокама қилиш қоидаларига амал қилган ҳолда ишни тўғри ташкил қилишдир. Ана шундан кейингина мавзунинг муҳокамасига ўтилади.

Дарс жараёнида ўқувчилар ўртасида бертараф бўлинг. Чунки бошланғич таълим жараёнида ҳар доим ўқитувчининг ўзига, тенгдошларига бўлган муносабатини таҳлил қилади. Шундай ҳолатларда ўқитувчининг

ҳолислигига ишонтириш, ўқувчи учун энг яқин одамга айланиш кўзланган катта марраларни заб этишга ёрдам беради.

Ўқувчи ларни саволлар бериш орқали мақсадга томон олиб боринг. Ўқувчиларнинг дарсга, мавзуга бўлган муносабатини аниқлаштиринг, уларнинг эркин фикрлашларини таъминлашда мустақил фикрлашнинг ўрни муҳим саналади. Ёпиқ саволлар беришдан чекланиб, ўқувчиларга очик саволлар бериш уларнинг мустақил қикр юритишларини таъминлашга, ўз фаолиятларига, дарс жараёнига бўлган муносабатларининг шаклланишига олиб келади.

Дарс давомида мавзудан чекка чиқмаслик-сабоқ жараёни вақтдан унумли фойдаланишнинг маълум маънодаги бир қоидаси ҳисобланиб ўқувчилар аниқ ва лўнда гапиришни айнан мана шу ҳолатлардан ўзлаштириб оладилар. Кераксиз сўзланган маърузалар ўқувчини толиқтиради. Дарсдан зерикишга сабаб бўлади.

Дарс жараёнида аниқ келишув ва битимларга амал қилиб ўқувчи фаоллигини ошириш орқали самарадорликни таъминлашга ҳаракат қилинг. Дарс аввалида ўқувчилар билан биргаликда тузиб олган қоидаларга қатъий амал қилинг. Шунингдек, ўқувчи аниқ маълумотларни бериши, кўргазмали қуроллар орқали ўқувчиларга кичик бўлсада аниқ ахборотларни етказишга одатланиши зарур.

Ҳар бир дарсни ижобий тугалланг. Ўқувчилар дарсдан кўтарингки руҳда, берилган вазифаларни албатта, бажариш нияти билан кетсинлар. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчи учун яши хис-туйғулар билан яқунланган дарс албатта, ижобий тугалланган ҳисобланади. Бундай ҳолатларнинг тўғри ташкил этилиши оқибатида энг паст ўзлаштирувчи ўқувчи ҳам олдидаги мураккаб вазифани ҳам бажаришга интилади. Унга хушнудлик бағишлаган дарсни соғиниб келади. Ўқитувчига талпинади. Келтирилган ўқитувчиликнинг ўн қоидасига амал қилиш дарс жараёнини мазмунан боитади. Яратилган ижодий муҳитда муносабатлар шаклланади.

1.4. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА МАДАНИЯТИ

Меҳнат таълими ўқитувчиси раҳбарлигидаги ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қуйилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини шакллантиришга қаратилган ўқув фанидир. Ўрта мактабдаги меҳнат таълимини шартли равишда ўқув ва унумли меҳнатга бўлиш мумкин.

Ўқув меҳнати актив фаолият бўлиб, атрофдаги воқеяликни ва ўзини билишга қаратилган, мақсад, куч, ғайрат ва эришилган натижалар мавжуд бўлгандагина таълим меҳнатга айланади. Ўқув меҳнати фаол фикрлаш билимларни мустақил эгаллаш, қайта ишлаш ва ижтимоий тажрибада қўлланиш асосида қўланилади. Шу асосда кишининг ўз қарашлари ва эътиқоди шаклланади. Камол топаётган кишилар фақат фан асосларинигина эмас, балки уларнинг амалий технологик мазмуни ва тадбиқ этилишини ҳам ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга бу жараён амалиётнинг назарияга сингиб кетиши сифатида эмас балки назарий ва амалий мўлжал асосларининг қўшилиб кетиши сингари намоён бўлади.

Унумли меҳнат болалар ва катталарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва оламни ўзлаштиришга қаратилган самарали меҳнати, шахснинг ҳозирги вақтдаги ва келгусидаги жисмоний-маънавий эҳтиёжларини кондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий маданиятни ишлаб чиқаришдир. Ҳақиқий фойда келтирадиган унумли меҳнат тарбиявий меҳнатга айланади, бунда содир бўладиган меҳнат муносабатларида унинг катнашчиларини шахсий ва ижтимоий манфаатлари онгли ва уйғун равишда

қўшилиб кетади. Умумли меҳнат иқтисодий масалалардан ташқари тарбиявий, таълимий маълумот берадиган вазифага ҳам эгадир.

Умумли ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни қадрлаш, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларни касбга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсад амалга ошириш учун, таълимий-тарбиявий ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим.

Таълимий вазифа-ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб шакллантиришлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа-ўқувчиларда меҳнат кўникмалари шакллантириш жараёнида меҳнат ва касб муносабатлари юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа-меҳнат таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, баъдий-эстетик тарбия ва таълим бериш касбга тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Меҳнат таълими фанининг мазмуни шартли равишда учга яъни меҳнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача махсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва амалий машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчилар томонидан илмий, услубий нуқтаи назардан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил

қилиб борилиши, меҳнат таълими машғулотларини аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлайди.

Меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб ва касб-хунар коллежлари атрофидаги корхона, ташкилотлардаги касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимидан қуйидаги йўналишларни асос қилиб олиш мумкин:

- ёғоч ва металга ишлов бериш технологияси;
- газламага ишлов бериш технологияси;
- пазандачилик асослари;
- қишлоқ хўжалик асослари;
- халқ хунармандчилиги ҳамда йўналишларда.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги бўлимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмаларини шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари;
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумотлар ва ишлатиш усуллари;
3. Машина, механизм, станоклар ва мосламаларнинг умумий тузилиши;
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси;
5. Халқ хунармандчилиги касблар бўйича умумий маълумот бериш.

Бундан ташқари уй-рўғзор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмаларини шакллантириш, компьютер технологиясидан фойдаланиш, электротехника воситаларидан тўғри фойдаланиш ва таъмирлаш, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария-гигиена қоидалари ҳақидаги билимлар ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда берилади.

Ўқувчиларнинг меҳнат таълимини амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий ва услубий вазифаларни ҳал қилиш лозим:

Ташкилий вазифалар: меҳнат таълими бўйича ўқув хонаси ва устахона ташкил қилиш ва уларда хавфсизлик, қулай меҳнат шароитларини яратиш.

Маҳсулотлар учун зарурий ҳомашё, материал, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ҳамда мосламалар механизмлар, станоклар билан амалий ишлаш жараёнини ташкил қилиш. Санитария, гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, касблар ва касб эгалари билан яқиндан танишиш учун корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

Расмий ҳужжатлар: меъёрий режалаштирувчи ҳужжатлар устахона хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига доир ҳужжатларни юритиш.

Услубий вазифалар: машғулотларни иш режаларини тузиш. Бунда маҳаллий шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни яқиндан таштириш умумкин бўлган касб турларини танлаш, ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига хос меҳнат машғулотларини ва касб танлашларини амалга ошириш, машғулотларда замонавий илғор педагогик технологиялар, янги дидактик воситалардан кенг фойдаланиш, таълим ва тарбияни бирлигини таъминлаш, ўқувчиларга турли касбларга тегишли дастлабки меҳнат, кўникма ва малакаларни, меҳнатсеварликни шакллантириш. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб боришда уларнинг ёш хусусиятларини, шахсий психологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида назорат қилиб бориш. Халқ хунармандчилигини айрим касбларини ўргатиш учун уста-шогирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларида фойдаланилади. Бундай машғулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан халқ қилинади.

Амалий машғулотларнинг мақсади ўқувчиларга ўрганилаётган билим, кўникма ва малакаларни бевосита ижтимоий фойдали ва унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида (устахонада, фермада, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги экинзорларида ёки ҳунарманд уста ҳузурида) мустақамлашни бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил қилишдан иборат.

Билим кишиларнинг назарий маълумотларда ифодаланган ва ишлаб чиқариш топшириқларини онгли равишда бажариш учун зарур умумлашган тажрибасидир. Билимларни ўзлаштириш, фактларни, ҳодисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларни билиб олишдир.

Кўникма инсоннинг ўзидаги билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилардаги билим, кўникма бирор ишни бажариш учун зарур ва етарли даражада епчил ҳаракатдан иборат бўлади.

Малака онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнатни кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементиدير.

Касб инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий махсус таълим олиш билан ўзлаштирилган билим ва малакаларни талаб қилади.

Ихтисос касбдан жамиятда меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келади ва шахс томонидан мукамал эгаллаб олган тор меҳнат фаолиятидир.

Масалан, тикувчи, бичувчи, моделъер.

Малака-кишининг касб маҳоратини, ҳунарни эгаллаш даражасидир. Ишнинг малакаси таъриф заряди, класс ёки унвон билан белгиланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ҳар қандай машина, механизм ва хатто айрим деталларни яратиш. Бу жараён охиригача бажарилган ишлар циклидан иборатли бўлиб фарқланади.

Технологик жараён-ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, ҳар қандай буюмни яратиш учун ашёлар ҳолатини ўзгартиришдан иборатдир.

Технологик операция-технологик жараённинг бир иш ўрнида битта ёки бир неча ишлар охиригача бажариладиган қисмидир. Масалан: бичиш, тикиш ва ҳақозо.

Иш усули-ишчининг технологик операциясида айрим технологик ўтишларни бажаришдаги ҳаракатлари мажмуидир. Меҳнат ҳаракати ишчининг бирор технологик ўтиш элементини бажариши. Иш ҳаракати ишнинг бирор технологик ўтишни бажариш учун меҳнат ҳаракатларининг мажмуидир.

Таълимнинг тарбиявийлиги: ўқув материали мазмунининг ғоявий йўналишини белгилаш. Ўқитувчининг юксак ғоявий-сиёсий сифатлари ва шахсий ибрати. Меҳнат ва касб таълими жараёнида узлуксиз тарбиялаш ишларини амалга ошириш.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш: ҳозирги замон фанида узлуксиз исботланган қоидаларни ўзлаштириш. Фақат фан ва техникада қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, мамлакатимизда ва чет элларда фан-техника бўйича эришилган янги муваффақиятларни ўрганиш.

Таълимнинг мунтазамлиги ва изчиллиги: меҳнатва касб таълимини дастурдаги тартибда ташкил этиш, шунингдек, ўқитишни янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш мақсадида, илгари ўрганилган материалларга боғлаб амалга ошириш.

Назарияни амалиётга боғлаш: назарий билимлардан амалиётда ва ўқувчиларнинг тажрибаларидан назарий машғулотлардан фойдаланиш.

Таълимнинг ўқувчиларга тушунарлиги: таълимнинг мазмуни унинг усулларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний имконият ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Бу талабалар ўқув материалини қисмларга тўғри тқсимлаш, таълимнинг турли усулларида фойдаланиш, вақт нормаларини тўғри белгилаш, ўқувчиларнинг қизиқишларини назарда тутиш билан бажарилади.

Таълимнинг политехник йўналиши: ҳозирги замон тараққиёти тўғрисида, ишлаб чиқаришда кўп учрайдиган технологик жараёнлар тўғрисида, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлашидаги умумийлик тўғрисида маълумотлар бериш, хилма-хил меҳнат малакаларини сингдириш, меҳнат масалаларини ижодий ҳал қилишни, ихтирочилик ишларини, умумтаълимий ва махсус фанлардан олинган билимларни амалга тадбиқ этишни ўргатиш.

Таълимий ва тарбиявий меҳнат: ижтимоий фойдали буюмлар яратиш борасидаги унумли меҳнат асосида ишлаб чиқариш таълими бериш. Бу меҳнат технологик жиҳатдан яхши таъминланиши билан фарқланади.

Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги: таълимни ўқувчиларда ташаббускорлик ва устақилликни тарбиялайдиган йўсинда олиб бориш. Мана шу фазилатлар ўқув материалларни яққол ифодалаш ва уларни ўқувчилар тушуниб ўзлаштириши, назарий ҳамда ишлаб чиқариш таълимини узвий боғлаб олиб бориш, таълимнинг энг самарали усуллардан фойдаланиш натижасида таркиб топади.

Кўрсатмалилик: таълимни ўқувчиларда дунёдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида жонли мушоҳада асосидаги тушунча тасаввур ҳосил қиладиган, кўникма ва малакаларни шакллантирадиган йўсинда амалга оширишни таъминлаш. Кўрсатмалилик экскурсиялар уюштириш, меҳнат усулларини, плакат, схема, буюмларнинг намуналарини, диафильмларни намойиш этиш орқали амалга оширилади.

Билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш: ўтилган ўқув материалларни мунтазам равишда такрорлаб бориш, янги материални мустаҳкамлаш тадбирларини қўллаш. Бунга материални тушунарли қилиб баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилган материални ўз ўрнида такрорлаш, уларни аста-секин мураккаблаштира бориш, доимо ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш орқали эришилди.

Меҳнатфанлар асосини чуқур ва амалий ўзлаштиришда болалар дунёқарашини шакллантиришда, уларни фикр юритишга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий воситалардан биридир. Кўп асрлик тажриба шуни кўрсатадики, инсонларнинг меҳнати туфайли чексиз бойликлар ва имкониятлар пайдо бўлади. Меҳнат фани иқтисодий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланиб, ўқувчиларнинг иқтисодий билимини ҳам мустаҳкамлайди.

Собиқ тузум даврида иқтисодий меҳнат тарбияси ёрдамида ўқувчиларда илғор умумбашарий ва миллий ғурурни шакллантиришга етарли эътибор берилмади. Айниқса меҳнат дарси орқали болаларда иқтисодий билим ва малакани пайдо қилишдек дарснинг асосий мақсадидан чекинилди. Аслида эса меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва иқтисодий меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва кучайтириш лозим.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғли қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билимга ва малакага эга бўлдилар. Аввало бу дарсларнинг мазмунини тўғри белгилаб олиш зарур. Меҳнат таълими тарбиясининг ижтимоий ва иқтисодий йўналганлиги, меҳнат дарсларини бозор иқтисоди талаблари асосида педагогик технологиялардан ва малакалардан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳисобга олган ҳолда, уларни амалий санъат тўғарақларига жалб қилиш ўқувчиларга меҳнат дарсларида иқтисодий билим беришда ёши, шахсий хусусияти эътиборга олиш, ўқувчиларнинг меҳнат натижаларини рағбатлантириш ва камчиликларини дўстона ҳал этиш каби масалалар дарснинг мазмунини ташкил этади.

Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан бирга теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳозирги кунда меҳнат дарсларида “ўз-ўзини бошқариш” ва “ўз-

ўзини маблағ билан таъминлаш” каби ижодий амалий ишларни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўқувчилар “Мато билан ишлаш” машғулотларида керакли асбоблар ва керакли газламалар ёрдамида аниқ режа белгилаб, ўлчам оладилар ва шу ўлчам асосида иш фартуги, игна қадагич, чойнак ёпқич, чойнак таглиги, юмшоқ ўйинчоқ каби буюмлар тикишни ўргатадилар. Тикиш жараёнида қайси мато туридан ишлатишни, матони исроф қилмасликни, ишнинг сифатлилигини, эстетик жиҳатдан бежирим ва чиройли бўлишига ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг бажарган ишлари асосида мактаб шароитидан келиб чиқиб, ҳар хил кўргазмалар ёки ўқувчиларнинг ўзлари учун мактаб бозорларини ташкил этиш мумкин. Бу ўқувчиларда ўзига ишонч, ижодкорликка интилиш, ўзгалар меҳнатига ҳурмат туйғуларини шакллантиради. Ўқувчи онгида меҳнатга муҳаббат хисси қарор топади. Натижада ўзининг касбини, ҳунарини ҳурмат қиладиган, жамиятимиз ривожини учун муносиб ҳисса қўшоладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин.

1.5. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ ВА ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ўқитишнинг ноанъанавий усуллари орқали таълим бериш давр талабидир. Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари қўлланилганда ўқувчилар асосан мустақил фикрлашга ва мустақил таълим олишга йўналтирилади. Бунда ўқитувчининг фаолияти таълим олувчиларга нафақат мавзунини тушунтириб бериш, балки улар учун топшириқлар тайёрлаш, мустақил таълим олиш жараёнини назорат қилиш ва уларнинг якуний билимини баҳолашдан иборат бўлади.

Ўқитувчи таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш мақсадида дарс якунида одамнинг 3 зил вариантдаги (қош, кўз, оғиз, бурун акс эттирилган) расмини доскага осади.

1-расмда инсоннинг ғамгин, хафа ҳолати, 2-расмда ўртачақувноқликдаги ҳолати, 3-расмда эса жуда хурсанд кайфиятдаги ҳолати акс эттирилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида 1-расм ёнига “Тушунмадим”, 2-расм ёнига “Ўртача тушундим”, 3-расм ёнига эса “Жуда яхши тушундим” деб ёзиб қўяди. Ҳар бир ўқувчи дарс якунларида расмлардан бирини танлайди. Уларнинг ҳар қайси расмини танлашига қараб, мавзу бўйича эгаллаган билим ва кўникмалари ҳақида хулоса чиқарилади.

Айни пайтда ўқитувчи ўзи танлаган методининг самарадорлиги ҳақида хулоса чиқариш имконига эга бўлади. Масалан, ўқувчилар 1-ҳолатда тасвирланган расмини кўпроқ танлашсан бўлишса, ўқитувчи дарс бериш методини ўзгартириши лозим. 2-ҳолатда тасвирланган расмини кўп ўқувчилар танлашса, ўқитувчи ўтган мавзусини яна такрорлаши лозим. Агар ўқувчилар 3-ҳолатда тасвирланган расмини кўпроқ танлашган бўлишса, бу ҳол ўқитувчи қўллаётган методнинг самарали эканидан далолат беради. Бизнингча, нафақат назарий балки амалий машғулотларда ҳам ўқитишнинг ноанъанавий усулларида кенг фойдаланиш зарур.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш бо соҳада янги педагогик технологияларни изчил жорий этиш билан узвий боғлиқ. Таълим самарадорлиги ўқувчининг бу жараёнда қай даражада фаол иштирок этиши билан белгиланади. Таълим беришда ўқувчиларга мустақил фикрлаш, масаласига ижодий ёндашиш учун имконият яратилиши керак.

Ўқитиш услубий жиҳатдан 3 турга бўлинади:

1. Суст (маъруза тушунтириш);
2. Фаол (баҳс-мунозара);
3. Интерфаол (хамкорликда ишлаш).

Зарурий билимлар: дарсда мавзуга оид муҳим ахборот берилиши; ахборотнинг аниқлиги; ахборотнинг ўқувчиларга тажрибаси ёки уларнинг муаммолари билан боғланганлиги; ахборотнинг чуқур тушуниш ва танқидий фикрлашни ривожлантириш учун етарлилиги; ахборотнинг амалий аҳамиятга эгалиги; ахборотнинг интеллект нуқтаи назардан қизиқарли бўлиши.

Зиддиятчилик ва мувозана: дарсда муаммони турли нуқтаи назардан тақдим этиш; мавзуга оид саволларнинг ижобий ва салбий томонларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши; саволнинг бахсли тузилиши; дарсда саволга бир нечта тўғри жавобни асослаш мумкин бўлган ахборотнинг берилиши.

Интерфаол усуллар: ўқувчиларга мавзу ва ундан кутилаётган натижаларнинг маълум қилиниши; ўқувчиларнинг бир-бирлари билан ҳамкорликда бўлиши; саволларга жавоб бериш учун етарлича вақт берилиши; дарсда ўқувчиларнинг фаол иштирок этиши; дарсда ўқувчилардан танқидий фикрлаш, талқин қилиш, баҳолаш ва таҳлил талаб этиладиган очик саволлардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг муаммоларни ҳал этиш борасидаги биргаликда ишлаши; ўқувчилар билан жуфтликда кичик гуруҳларда ишлаш; интерфаол машқларнинг мавзунини тушунишга ёрдам бериш; машқлар орқали масаланинг реал ҳаётдаги ҳолатини моделлаштириш; ўқувчиларга ўзлаштирилган мавзунини амалда қўллаш учун вазифа ва етарли вақт бериш.

Дарсда мутахассиснинг иштирок этиши: таклиф этилган мутахассиснинг интерфаол дарсга тайёр бўлиши; мутахассис ахбороти ўрганилаётган мавзунинг бир қисмини ташкил этиши зарурлиги; мутахассиснинг бевосита дарс мавзуси билан боғлиқ масалаларни ойдинлаштириши.

Интерфаол дарсларда ўқувчилар билимини назорат қилиш учун саволлар қуйидаги асосда тузилади: билим-аниқ фактлар (қачон, қаерда?); тушунча-ўзлаштирилган материалнинг моҳиятини тушунтириш (бу нима?); таҳаллус-иккинчи даражали ғояларни асосий ғоялардан ажратган ҳолда

ривожлантириш (қанақа нега?); синтез-муаммони ечиш ва янги ғояларни олиш усулларини қўллаш (қандай? қанақа?); қўллаш-янги ғояларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш (қандай? қай тарзда?); баҳолаш-хулоса ва мулоҳазалар (агарда? керакми?).

Дарсларда интерфаол усуллардан қай тарзда ва қачон фойдаланиш ўқитувчи ижодкорлигига ва албатта, ўқувчиларнинг қобилиятига боғлиқ. Бу борада ўқувчиларда кўникма ҳосил қилиш учун ўқув жараёнида интерфаол машқлардан кўпроқ фойдаланиш керак.

II БОБ. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Меҳнат таълимини ўқитиш

Касб-хунар таълими ўқитувчиси касб-хунар ўқув хоналарининг моддий таъминотиغا катта эътибор бериши керак. Бунинг учун у ўқув хоналарини жихозламишига ҳамда моддий таъминоти талабларини яхши билиши зарур. Касб-хунар таълими ўқув хоналари ўқув биноларининг асосий биноси ичига биллок тарзида жойлаштирилган маъқул. Ўқув хоналари иссиқ, ёруғ ва қурук бўлиши, ҳамда хонанинг ёритилганлиги, иситилиши, хонани шамоллатиш санигария гигиена нормаларига мос бўлиши керак.

Касб-хунар таълими ўқув хоналари учун имконият даражасида ўқув машғулотларини (лойихалаш, тикувчилик жараёни, газламашунослик, машинашунослик, пазандачилик) олиб бориш алоҳида хоналар ажратилгани маъқул. Айрим ҳолларда мактабларда меҳнат таълимини дарслари учун 1 та хона ажратилса, хонанинг 20-25% майдони пазандачилик дарслари учун ажратиб қўйилади ва махсус хона ажратгичлар ёки жовонлар билан безатиб

қўйилади. Касб-хунар коллежларида эса ўқитиладиган фанлар учун хоналар алоҳида бўлади.

Касб-хунар таълими ўқув хоналарида ўқувчиларининг яқка тартибда иш бажаришлари, ҳамда умумий ишлашлари учун иш жойлари ва ўқитувчининг иш жойлари жихозланади. Ўқувчиларнинг иш жойлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, меҳнатни илмий ташкил этиш талаблари, санитария гигиена, хавфсизлик техникаси қоидалари, техник нафосати нормалари асосида жихозланиши шарт. Хонани жихозлашда халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган. Умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув кўргазма манбалари ва жихозларнинг рўйхати кўрсатмасидан фойдаланилади.

Ўқув хонасида албатта бахтсиз ходиса рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш мақсадида дорикути тўплами бўлиши керак. Дорикути олдида яқин даволаш масканининг адреси ва майдон рақами осиб қўйилган жадвал туриши керак. Хонада қўл ювиш таъминоти, чиқинди ташлаш учун махсус идишлар, хонани тозалаш учун иш қуроллари бўлиши шарт. Кўргазма қурол сақлаш учун эса жавонлар бўлиши керак.

Ўқитувчининг иш жойида қуйидагилар бўлади: иш столи, синф доски, доска олдида чизғичлар тўплами осилган мослама, электр тармоғини тақсимловчи манбани бошқариш жойи, тикув машинаси ва бошқа асбоб-ускунаси билан биттадан намуна бўлиши керак. Ўқитувчининг иш жойи ўқувчининг иш жойидан 25-30 см. юқорида бўлиши керак.

Ўқув хоналарида 20-25 ўқувчиларга мўлжалланган бир ёки икки кишилик столлар, қўл, оёқ, электр юритмали тикув машиналар, ҳар бир ўқувчига биттадан (замонавийсидан), ҳамма учун битта ёки иккита йўрмаш машинаси, битта петля ва битта тугма қадаш машинаси бўлиши керак.

Иккита дазмоллаш столи аппарати, стол, сув пуркагич, дазмол шнурини йўналтирувчи мосламалар шундай жойлаштирилган бўлиши керакки, бу столлар ўқитувчига яққол кўринсин.

Дазмоллаш столининг устига чит газламасидан ғилоф тикилиб, у вақти-вақти билан тозалаб турилиши керак. Электр токи билан ишлаганда дазмол столининг олдида полда резина гилам бўлиши керак. Деворда дазмолдан фойдаланиш қоидалари осилган бўлиши керак.

Хонада бундан ташқари катта бичиш қайчиси, дазмоллаш креси, катта линейкалар, сантиметр ленталар ва ҳар бир ўқувчини иш столида иш қутиси бўлиши шарт. Шунингдек, тикаётган кийимларни тиктириш мақсадида кийиб кўриш хонаси ўқув хонасининг бурчагида жойлашиши керак. Бу ерга кўриш ойнаси қўйилгани маъқул.

Касб-хунар таълими ўқув устахонасини турли хил стендлар, плакатлар билан жиҳозлаш мумким. Масалан: "Чокдан-буюмгача", "Моҳир кўллар", "Ўз кўлимиз билан яратамиз", "Газлама бўлагидан нималар гайёрлаш мумкин", "Ким бўлсам экан", "Ҳамма касблар яхши-истаганингни танла" ва ҳақозо стендлар ўқувчиларда дарсларга ва тикувчилик касбларига бўлган қизиқишларини орттиради.

Касб-хунар таълими хонасини тўғри жиҳозлашга аҳамият бериш керак. Доскага албатта магнит ўрнатилган бўлиши, ўқитувчини иш қуроллари ва кўргазмаларини сақлайдиган қулай жой бўлиб, шкафда сақланган кўргазмага, тарқатма техник воситалари манбаларини кетма-кет рўйхатини тузиш керак. Меҳнат таълими жараёнида 80% иш амалий ишни ташкил этади. Шунинг учун меҳнат хонасида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш керак. Халқ таълими вазирлигининг меҳнат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига амал қилган ҳолда қуйидагиларга амал қилиш керак:

1. Машғулотларни ўтишда ўқитувчи ва ўқувчиларни соғлигини сақлаш шароитини яратиш;
2. Ишлаб чиқариш санитарияси, меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва кўрсатмаларига риоя қилишни таъминлаш;
3. Амалий ишни бажариш учун иш қуроллари, шароит меҳнат хавфсизлиги қоидалари ва нормалари мавжуд ҳолдагина рухсат бериш;

4. Ҳар бир иш жойида хавфсиз меҳнат шароити, иш қуроллари, анжомлари етарли бўлишини таъминлаш;

5. Ўқувчиларга меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномалар бериш;

6. Хавфсиз меҳнат яратиш учун турли тадбирлар ишлаб чиқиш;

7. Махсус кийимсиз, йўриқнома олмаган ўқувчиларни дарсга қўймаслиги;

8. Бирор бахтсиз ходиса рўй берганда ишни дархол тўхтатиб, мактаб маъмуриятига билдириш.

Касб-хунар таълимнинг асосий шакли-дарс. Дарс мактабдаги, касб-хунар коллежидаги таълим ишининг асосий ташкилий формасидир. Дарс жараёнида янги билим бериш, мавзу бўйича амалий топшириқларини бажариш, мустаҳкамлаш каби ишлар бажарилади. Касб-хунар таълими бошқа фан дарсларидан фарқ қилади, яъни:

1. дарсда амалий иш вақтининг 80 фоизини эгаллайди;

2. амалий иш унумли меҳнат асосида ташкил этилади;

3. машғулот ўтказиш учун хавфсизликни таъминловчи тайёргарлик талаб эгилади.

Касб-хунар таълимига қатор дидактик талаблар қўйилади. Улар 6 та:

1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги.

Дарс жараёнида дастурдаги мавзулар мазмуни ёритилади, меҳнат таълими ва тарбиянинг мақсад ва вазифаси амалга оширилади. Дарс режаси тузилаётганда дарснинг асосий ва иккинчи даражали мақсади қўйилади. 3 хил мақсад бор:

а) таълимий-ўқувчиларга назарий билимлар берилади, уларда кўникма ва малакалар шакллантиришга ёрдам беради;

б) тарбиявий-берилаётган билимлар асосида ўқувчилар тарбиялаб борилади;

в) ривожлантирувчи-ўқувчиларда ўтилган мавзуни ҳаёт билан солиштиришни, қарама-қарши қўйишни, мавзуларни анализ қилишни, уларни умумлаштиришни, билимни амалиётда қўллаш йўллари уйғотади.

2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги.

Ҳар бир дарсда таълим тарбияловчи эканлигини унутмаслик керак. Меҳнат дарсларида меҳнат тарбиясига қулай шароит яратилади. Шу сабабли бу тарбияни энг асосий деб қаралади. Бундан ташқари бадиий, иқтисодий, жисмоний ва бошқа тарбиялар ҳам мақсад этиб қўйилади. Аммо бунга дарсда таълимининг ва тарбиянинг вазифаларини бирлиги таъминланган тақдирдагина эришилади.

3. Ўқув материални туғри танлаш.

Ўқув материалининг мазмуни ўқув дастурида берилган бўйича танланади. Материални танлашда ўқувчиларнинг ёшларини, жисмоний ривожланганлигини, уларнинг билим доираларини эътиборга олишлари керак. Шунингдек, тукувчилик санъатидаги фан ва техника янгиликларига ҳам аҳамият бериш керак. Демак, ўқув материални танлашда қуйидаги қоидага риоя қилиш керак. "Осондан мураккабга".

4. Таълим методларини мақсадга мувофиқ танлаш.

Дарс давомида ҳар хил усуллардан фойдаланилмаса, ҳар қандай дарс ҳам мақсадга эришилмайди. Меҳнат таълимида дарснинг асосий босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишидан иборатдир. Янги мавзунини баён қилишда намоёиш, тушунтириш ва суҳбат каби усуллардан фойдаланилади. Бунда суҳбатни тушунтиришга қараганда ўқувчиларни кўпроқ активлаштиради. Шу сабабли янги мавзунини баён қилиш жараёнида ўқувчиларнинг баъзи билим ва малакаларига таяниш мумкин бўлган ҳолларда меҳнат усулларини намоёиш қилишни суҳбат билан комбинациялаш керак. Дарснинг якуловчи қисми учун таълимнинг суҳбат, тушунтириш, билим, қўникма ва малакаларини текшириш каби усулларидан фойдаланиш мумкин.

5. Ўқувчилар ишларида хавфсизликни таъминлаш.

Меҳнат таълими жараёнида турли асбоблар билан ишланади. Шунинг учун албатта хавфсиз шароит яратилиши, техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши талаб этилади. Дарс бошлашдан аввал ўқитувчи асбобларнинг

яроқлигини текширади. Мустақил иш бошлашдан аввал иш давомида хавфсизлик техникаси қоидаларини эслатиб боради.

6. Дарснинг ташкилий аниқлиги.

Ҳар қандай дарс ташкил этилиши ва ўтказилиши аниқ бўлиши керак. Меҳнат таълимида кўпинча унумли меҳнат билан шугулланилади. Бунинг учун машиналар яхши ишлаши, иш қуроллари етарли бўлиши керак. Дарснинг ташкилий аниқлиги тўғри бўлиши учун ўқитувчининг раҳбарлик роли ўтган йилдаги қўйилган хатолар, ҳужжатларнинг тўғри эканлигини аниқлашга боғлиқ.

Ҳар бир конкрет дарс олдига қўйиладиган асосий таълимий вазифасига қараб дарснинг турли хил типлари учрайди:

I. Ўқувчилар янги билимларни эгаллайдиган дарс.

II. Кўникма ва малакаларини шакллантирувчи дарс.

I. Ўқувчилар янги билимларни эгаллайдиган дарслар.

Бу типдаги дарсларга кириш машғулотлари, назарий машғулотлар бериш, уларда баъзи бир тушунчаларни шакллантиришдан иборат бўлган дарслар қиради. Уқувчиларнинг янги билимларини эгаллайдиган дарсларда янги материални баёни қилиш асосий ўрин олади.

Янги билим олиш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари ҳам ўз ўрнини топтоғи - керак. Бу мустақил иш янги материални дарсликдан ўрганишда иборат бўлиши мумкин. Бу вақтда ўқитувчи уларга тавсиялар бериб боради. Бу дарс қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- | | |
|--------------------------------|---------------|
| 1. Ташкилий қисм | -3-5 минут |
| 2. Ўтилган мавзунини такрорлаш | -7-10 минут |
| 3. Янги мавзу баёни | -10-15 минут. |
| 4. Амалий ишни бажариш | -35 минут. |
| 5. Янги мавзунини мустахкамлаш | -10-15 минут" |
| 6. Уйга вазифа бериш | -3-5 минут |

II. Кўникма ва малакаларини шакллантириш дарси.

Бундай дарслар касб-ҳунар таълими ўқув хоналарида кўпроқ ўтилади. Бу дарсни асосий босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишларидан иборат бўлади. Амалий иш жараёнида аввал ўқитувчи йўлланма беради, кейин ўқувчилар ўзлари мустақил технологик жараённи тўғри танлаб ишни бошлайдилар. Бу дарс бирор буюмни тикишда ўқувчилар ўзлари жараён усулини танлашларида қўлланилади. Бу дарс қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- | | | |
|----------------------------------|-------|-------|
| 1. Ташкилий қисм | -3-5 | минут |
| 2. Ўтилган мавзу баёни | -15 | минут |
| 3. Янги мавзу бўйича мустақил иш | -50 | минут |
| 4. Янги мавзунинг мустақамлаш | -7-12 | минут |
| 5. Уйга вазифа | -3-5 | минут |
| 6. Иш жойларини йиғиштириш | -2-3 | минут |

Бу дарсда ҳам албатта янги мавзунинг баёни берилди. Булардан ташқари билимларни амалда қўллаш, билим, кўникма, малакаларини текшириш ва аралаш дарс, такрорлаш дарсларидан фойдаланилади.

2.2. Меҳнат таълими ўқитувчисининг ўқув жараёнидаги таъсирчанлиги ва касб-корлик сифатлари

Ўқитувчи ёшларга таълим тарбия берувчи шахсдир. Республикада халқ таълими соҳасида қўйилган вазифаларни бажаришда кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлигига, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида меҳнат усулларини тўғри танлаш, ўқитувчи амалда тўғри қўллаганини назорат қилиши керак.

Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчини дарсга тайёрланишида асосий ўрин тутади. Ўқув йилини режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчини устахонадаги меҳнат таълимининг вазифа ва мақсадларига кўра бажарган барча ишларини олдиндан кўриш мумкин. Ўқув йилини режалаштиришда меҳнат таълими бўйича ўқитиладиган фанларнинг дастури асос қилиб олинади. Ўқув йилини режалаштиришда ўқитувчи бир қанча дидактик вазифаларни ҳал қилади.

* Меҳнат таълими фанининг дастури бўлимларга мос ҳолда ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида тайёрлаш имкониятини беради. Ўқув устахоналарини янги замонавий асбоб-ускуналар, ўқув кўзгазма манбалари аввалдан маълум бўлади.

* Меҳнат таълими фанининг мазмуни билан бошқа фанларнинг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади. Ўқитувчи ўқув материални алоҳида дарсларга тақсимлаб бошқа фанлардан олган билимларини аниқлайди. Шундай қилиб, меҳнат таълими билан фанларнинг асосларини ўрганиш орасида дидактик боғланиш таъминланади.

* Ўқув йили давомида ўқувчилар томонидан бажариладиган ишлар аниқланади.

* Ўқувчилар билан олиб бориладиган дарсдан ташқари ишлар йўналиши аниқланади.

* Ярим йиллик яқунларини чиқаришда ўқув режани бажарилишини текшириш осонлашади.

* Ўқув бўлими халқ маорифи ташкилотлари томонидан таълим жараёмини назорат қилиш осонлашади.

Ўқитувчининг ўқув йилига тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: Янги ўқув йилига тайёргарлик жорий йилнинг тугаши билан бошланади. Меҳнат таълими ўқитувчиси жихоз асбоб-ускуналарнинг майда носозлигини ўзи тузатади.

Агар ўртача ва тўлик таъмирлаш талаб қилинса, маъмуриятга талабнома тузилиб, маъмурият орқали тегишли тадбирлар кўрилади. Янги асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ҳам алоҳида талабнома тузилади.

Янги ўқув йилини режалаштириш учун ҳам ўқув дастури билан қайтадан танишишдан бошланади, бундаги тушунтириш хати ўрганилади. Тушунтириш хатини ўрганишда машғулотларнинг вазифаларини, ўқув жараёнини ташкил қилишда кўрсатмали кўргазмалардан фойдаланиш, ўқувчилар фаолиятини текшириш, баҳолаш ва ҳақозоларга оид услубий кўрсатмаларни яна бир марта таҳлил этиш керак. Фан бўйича дастурнинг мазмуни билаи ҳам танишиб чиқиш керак.

Дастурдаги ҳар қайси синф ўқувчиларини ўзлаштиришлари керак бўлган билим, кўникма, малакалар, бўлимлар мавзулари ва уларга ажратилган соатларни ўрганиш зарур. Шундан сўнг ҳар бир синф учун ўргатиладиган буюмлар танланади. Буюмларни танлашда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор бериши керак:

-буюмларга ишлов бериш усуллари ўқув дастурига мос келиши керак.

-буюм танлашда аниқ даражаси, вақти, ўқувчиларнинг кучи етадиган аввалги билимлар асосида танланиши керак.

-буюмларни лойиҳалаш усули ўқувчиларга тушунарли ва осон ўзлаштирадиган бўлиши керак.

Ўқув йилини режалаштиришда ва бажараётган буюмларни хилини танлашда болаларнинг ўзлаштириш даражаларини эсдан чиқармаслик керак. Синфдаги иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қизиқиш ва билимларини ўстириш йўллари аниқ белгилаш керак. Ўртача билимли болалар ўз-ўзидан иқтидорли болаларга эргашадилар ва иш унумдорлиги ортади.

Ўқитувчи янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ўқувчиларни унумли меҳнатини ташкил қилишни ҳам йўлга қўйиш керак. Бунинг учун янги ўқув йилига қадар ўқитувчи бирор корхона, ташкилот, фирмалар билан шартнома

тузилиши лозим. Янги ўқув йилига тайёргарлик ҳам, ўқув хонасини таъмирлаш ҳам ўқитувчи зиммасига тушади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги қуйидагича олиб борилади: Ўқитувчи навбатдаги машғулотларга тайёргарлик кўришда таквим-мавзу (календар-тематик) режа тузади. Уни бир йилга, ярим йилга тузади. Таквим-мавзу режани тузишда бутун ўқув материали машғулотларга тақсимланади. Дарс типлари орасидаги боғланиш таълим методлари, кўргазма қуроллар, тарқатма манбалар аниқланади. Бундай мавзулар бўйича дарслар тўплами белгиланади.

Дарс тўпламини ташкил этишда қуйидагиларга амал қилинади:

- мавзунини ўқув фанидаги ўрни.
- назарияни амалиёт билан боғлиқлиги.
- ўқувчиларни янги мавзунини ўзлаштиришдаги тайёргарлиги.
- ўқувчиларнинг ижодий ишларини имкониятлари.
- мавзунини ўрганиш натижалари.

Ўқитувчи ҳар бир машғулотга қуйидагича тайёрланади:

I. Ташкилий тайёрланиш.

II. Методик тайёрланиш.

I. Ташкилий тайёрланишда ўқитувчи хонани, керакли асбоб-ускуналарни, дарсликларни, ўқув кўлланмаларни, кўргазма қуролларни, тайёр намуналарни тайёрлаши тушунилади. Ташкилий ишни бажаришда ўқитувчи мана шу жихоз ва шу шароитда ўзи бажариб кўриши керак. Бу билан ўқитувчи:

-ўқувчига шахсий намуна бўлиб, обрўси ошади.

-ўқитувчи тайёрлаган намуна ўқувчига таққослаш манбаи бўлади.

-ўқувчи ишни бажаришда қандай кийинчиликларга дуч келишини ва қандай хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини тасаввур қилади.

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига тикув машинаси ва керакли иш жихозлари билан таъминланганлигига эришиши зарур. Кўрсатмали қуроллар тайёрлаш,

тарқатма манбаларини тайёрлаш ҳам ўқитувчининг вазифасига киради. Ўқитувчининг вазифаси машғулот режаси канчалик тўлиқ бўлса, дарс ўтишда ўқитувчига шунчалик кўп ёрдам бўлади.

Дарсга тайёрланишда яна ўқув адабиётлар устига ишлаш, методик адабиётлар ва кўлланмаларни қараб чиқиш керак. Бундан ташқари навбатдаги дарсга тайёрланишда ўқитувчи очиқ дарслар, кўرғазмали дарсларда қатнашган натижаларни ўрганиб чиқиш керак. Кўрғазмали кўлланмаларни тайёрлаш учун ҳам жиддий эътибор талаб қилинади. Ўқитувчи дарсга тайёрланишда аввалги гуруҳ ёки аввалдаги йиллардаги шу мавзунини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни сабабини ҳам аниқлайди.

II. Методик тайёрланишда ўқитувчининг тайёрланиши дарс режасини тузиш билан тугалланади. Дарс режаси канчалик тўла, батафсил ёзилган бўлса, у ўқитувчига шунча кўп ёрдам беради.

1. Дарснинг мавзуси, мақсади ва вазифалари.
2. Меҳнат объекти.
3. Дарс жиҳози.
4. Дарснинг бориши.

Дарсга 5 хил мақсад қўйилади:

- а) таълимий
- б) тарбиявий
- в) ривожлантирувчи.
- г) ижодий
- д) амалий.

Республикаимиз ҳукумати таълим соҳасида қўйиладиган вазифаларни бажариши кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида таълим-тарбиядан кўзда тутилган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юкланади. Халқимизнинг келажаги мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп

жихатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига ёш авлодни ўқитиш ва тайёрлаш ишларига бўлган муносабатига боғлиқ. Шунинг учун педагогика олийгоҳлари ва билим юртларида ўқитувчи тайёрлашни яхшилашга эътибор берилмоқда. Ўқитувчиларни фалсафий жиҳатдан кенг фикрловчи, мулохазали бўлишига эътибор берилмоқда. Ўқитувчи шарафли, лекин мураккаб касбдир.

Ўқув процессида ўқитувчи раҳбарлик ролини ўйнайди. Меҳнат таълимида вақтнинг асосий 80%ини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишларида ўқитувчининг роли катта, ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши ривожлантирилса, ўқувчилар мустақил ишлай оладилар. Бу эса меҳнат таълими ўқитувчисининг кенг билимдонлиги, пухта амалий тайёргарлиги, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларидаги меҳнат таълими ўқитувчилари:

1. Юксак ахлокий фазилатларга, ўз касбига оид тегишли маълумот ва касбкор тайёргарлигига эга бўлган қобилиятли ижодкор кишилар бўлиши;
2. Миллий маданият ва қадириятларни, дунёвий билимларни яхши билиши ва диний илмлардан ҳам хабардор бўлиши;
3. Юқори методик, психологик тайёргарликка эга бўлиши;
4. Эркин ва ижобий фикрлай оладиган талабчан, одобли бўлмоғи керак.

Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда И.А.Каримов шундай дейди: "Тарбиячи устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар фуқаро қилиб етиштириш керак. Бунинг зиммасига жуда катта маъсулият юклайди. Қадим замонлардан бери бизнинг табаррук заминимизда тарбиячилар билан табиблар энг иззатли ва энг мўътабар инсонлар саналганлар. Шундай экан бутунги кун сиёсатимизда ота-боболаримизнинг ана шу олийжаноб анъаналарига содиқ қолиб ёш авлодни ўстиришга, тарбиялашга дахлдор инсонларга биринчи навбатда қўлдан келганча эътибор кўрсатиб, уларга

эҳтиром билдириб, алоҳида имтиёзлар бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир". Ўқитувчи ҳам ўз навбатида бундай эътиборга жавоб бериш керак. Тегишли маълумот, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлокий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга (Таълим тўғрисидаги қонун).

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсаткичларнинг рўйхати ва касб жиҳатдан номуносиблигига доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан белгиланади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси ўзининг фанини, хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бир қанча талабларга жавоб бериши керак:

- Сиёсий, ғоявий, онгли бўлиши керак, яъни давр ўзгариши қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар, қонунларни ўзи тушуна оладиган, эркин фикр юрита оладиган ва ўқувчиларга ҳам етказа оладиган бўлиши керак.

- Ўқитувчи юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни касб-хунар таълими дастурига киритилган ҳамма бўлимларни яхши билиши, юқори малакага эга бўлиши, шу касб бўйича камида 3-4 разрядга эга бўлган бўлиши керак.

- Юқори педагогик, психологик тайёргарликка эга бўлиши керак, яъни ўқитувчи мавзу танлаш, ўқув мазмунини танлашда ўқувчиларнинг ёш хусусиятини, уларни аввалги олган билимларини ҳисобга олиб танлаши керак.

- Ўз касбига муҳаббат Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонган ўқувчиларни, ўзининг ватанини севган ҳар бир ўқувчини улғайиб бирор касб эгаллашга, камол топтиришга кўмаклашадиган бўлиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши керак. Педагогик маҳорати эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлади. Ҳар бир ўқитувчи бунга қобилиятли бўлиши

керак. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланади. Қобилият эса истеъдод, зехн, яъни инсон асаб тизимидаги анатомик, физиологик хусусият бўлиши зарур. Ўқитувчининг қобилияти хар хил бўлиб, педагогик фаолиятни самарали бўлишини таъминлайди.

1. Билиш қобилияти-ўзининг фани сохаларига оид қобилиятдир. Бунда ўқитувчи ўқув курси хажмини тор маънода эмас, балки кенг, чуқурроқ бўлади.

2. Тушунтира олиш қобилияти-ўқув материални ўқувчиларга етказа олиши (содда, тушунарли бўлиш хусусиятларини эътиборга олиш).

3. Кузатувчанлик қобилияти-ўқувчининг ички дунёсини, бугунги ҳолатини, вақтинчалик рухий ҳолатини аниқлаш фаолиятидир.

4. Нутқ қобилияти-нутқ ёрдамида ўз фикрларини ифодалаш қобилиятидир. Ўқитувчининг нутқи ўқувчига қаратилган, фикрини аниқ ифодалай оладиган, содда тушунарли, жонли, талаффузлари аниқ бўлиши керак (бир меъёрдаги ёки баланд товушлар асабни бузади).

5. Талабчанлик қобилияти (ташкilotчилик)-ўқувчи жамоасини уюштириш, жипслаштириш фаолияти тушуналади.

6. Обрў орттириш қобилияти-ўқитувчи ўзини фанини яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлиги, талабчанлиги, хаққонийлиги, қўполлик қилмаслиги, ўқувчи шахсига тегмаслиги обрў орттириш демактир.

7. Туғри муомала қила олиш қобилияти-болаларга яқинлаша олиши, болаларни бола эканлигини ҳисобга олиши фаолиятидир. Бу қобилиятлардан ташқари ўқитувчи узоқ келажакни кўра олиши, меҳнатсеварлик, камтарлик, масъулиятлик, қатъийлик, адолатлик, эътикодлик каби сифатларга эга бўлиши керак.

2.3. Меҳнат таълими дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш

Ҳозирги вақтда касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг замонавий шакл ва усуллари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш таълимда юқори самарадорликка олиб келади. Анъанавий ўқитишда асосан ўқитувчига эркинлик берилади (субъектив-объектив), ноанъанавий ўқитишда эса ўқувчига эркинлик берилади. Ўқитувчи-ўқувчига муносабатларини демократлаштириш (субъектив-объектив) асосида дарс жараёнлари ташкил этилади.

Таълим шакллари:

Фронтал иш-барча таълим олувчилар билан бир вақтда ишлаш.

Гуруҳларда ишлаш-жуфтликда ишлаш, гуруҳларда ишлаш, гуруҳлараро ишлаш.

Индивидуал ишлаш-ўқитувчи дарс ўтишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

Ақлий ҳужум: бу усулда ўқувчи ўқувчилар топшириқ (савол) беради, ўқувчиларнинг топшириқлар борасида берилган фикр-мулоҳазалари жамланган. Ўқувчилар ҳамкорликда мураккаб муаммони ечишга ҳаракат қиладилар. Уни ҳал этиш учун ўз шахсий ғояларини илгари суради.

Гуруҳ (жуфт) бўлиб ишлаш: дарсда иштирок этаётган ўқувчилар гуруҳларда (4-5 ўқувчи) бўлиниб ёки жуфт-жуфт бўлиб ўқитувчи берган топшириқларни бажаради. Бахс: ўқув гуруҳ икки командага бўлинади.

Тегишли мавзу бўйича бахс, мунозара юритилади, ўзаро фикр алмашинади.

Меҳмон машқлари: бунда дарс бирор мутахасис иштирокида ўтказилади. Мутахасис таклиф этиш, кутиб олиш, дарс жараёнини ташкил этиб, уни кузатиб қўйиш каби барча ташкилий ишларни ўқувчиларнинг ўзлари бажарадилар.

Сўровнома ўтказиш: фанларни ўқитиш давомида ҳар бир бўлим, боб яқунлангандан сўнг ўқитувчи сўровнома ўтказди.

Оғзаки ва ёзма машқлар: оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий фикрлашини, уларнинг билиш имкониятларини ривожлантиради. Ёзма машқлар орқали эса ўқувчиларда тегишли кўникма ва малакалар шакллантиради, чуқурлаштиради ва мустаҳкамланади. Масалан, ўқувчиларнинг хуснихатлари яхшиланади, уларга хатосиз ёзиш ўргатилади.

Тез ўқиш: ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш, ҳар хил сўзларни, атамаларни, терминларни тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантирувчи усулидир.

Ўз-ўзини атестация қилиш: ҳар бир таълим берувчи ва таълим олувчи ўз фаолиятини назорат қилишга қаратилган усулидир.

Натижаларни таҳлил қилиш: таълим берувчи таълим олувчиларга қўйган баҳолар натижаси ва дарс-машғулотда қўйилган мақсадда қай даражада эришилганлик таҳлил этилади.

Аудиокасеталар эшитиб, ҳикоя қилиш: касбий фанларда зқув материални аудиокасеталарга ёзиб, уни таълим олувчиларга эшиттириш ва уларнинг ҳикояларини тинглаш.

Видео материалларидан фойдаланиш: дарс жараёнида мултимедиа тизимидан, видео ёзувлардан, кодоскоп, проектор, зқув телевидениеси, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компютерлардан фойдаланиш.

Тадқиқот: ўқувчиларнинг айрим тадқиқод ишларини, яъни диплом ва курс лойиҳалари, битирув ишларини илмий асослаган ҳолда мустақил бажаришлари, уларни ёзиш ва қўйилган мақсадга ва натижаларни таҳлил қилиш.

Пантомимо: ўқувчиларнинг ўқув ахборотларни сўзсиз. Фақат ҳаракатлар орқали бир бирлариги етказиш.

Импровизация: дарс машғулотларида ўқувчиларнинг ностандарт вазиятларни мустақил ҳал эта олиш.

Кузатиш ва маълумотларни етказиш: таълим олувчиларнинг бир-бирини кузатишлари ва қўйилган муаммо бўйича маълумотларни етказиш.

Музёра: таълим берувчи ва таълим олувчилар ўртасидаги тўсиқни йўқотишга қаратилган усул.

Ўйинлар: ишбилармонлик ёки саҳналаштирилган ўйинлар муаммоли вазифани бир тури. Бунда матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётӣ вазият саҳналаштирилади.

Лойиҳалаш ишлари: бу билим ва малакаларни таҳлил қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуавий таълим усулидир. Лойиҳа усулида ўқувчилар режалаштиришда, ташкил этишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Китоб билан ишлаш: ушбу усул ўқувчиларини мустақил ўзлаштириш, ўз-ўзини текшириш малакасини ошириш, берилган матннинг мазмунини тўлиқ ва онгли равишда баён эта билиш билан боғлиқ.

Индивидуал-амалий усул: ўқувчилар олган билимлари асосида амалий вазифаларни ҳал қиладилар, яни назарий билимларини амалиётга тадбиқ этадилар.

Кўргазмали материаллар (сетка, диаграмма, карта, фотография, санъат асарлари, плакатлари) билан ишлаш: таълим олувчилар мустақил ҳолда кўргазмали материаллар билан ишлашда. Унинг ўзлари ҳам кўргазмали материалларни тайёрлайди.

Суҳбат: бу эқитиш ва ўқишнинг мулоқат, савол-жавоб усулидир.

Суҳбат индивидуал ҳолда ёки бутун гуруҳ бўйича ўтказилиши мумкин.

Вазиятларни ўрганиш: касб-ҳунар коллежларида вужудга келадиган стандарт вазиятлар ўрганилади ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиварилади.

Панборд: бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Таълим олувчиларнинг ахборотлари, маълумотлари доскада тартиб билан жойлаштирилади.

Бошқаларни ўқитиш: бу усулда таълим олувчиларга қўйилган муаммо бўйича бир-бири билан ўзаро ахборот ва маълумот алмашадилар.

Давра суҳбати: таълим олувчилар думалоқ стол атрофида ўтириб, бир-бирларининг саволларига конверт орқали жавоб ёзишади.

Баҳолаш: Бунда ўқувчилар мақсадга қай даражада эришганини аниқлайдилар. Таълим олувчилар таълим берувчи орқали ёки ўзаро бир-бирларини баҳолашади. Баҳоланишнинг қуйдаги турлари мавжуд: текширув, савол-жавоб, ҳар хал саволларни танлаш, тўғри ва нотўғри шаклда жавоблар, ўз-ўзини баҳолаш, тенгдошининг баҳолаши, устозларнинг фикрлари, ҳаракатлар режаси, ҳар хил тавсиялар, рейтинг, топшириқлар гуруҳи, тақдимот, интервью, тестлар, видеокамера ва инсон кузатиши, микротопшириқлар, учинчи кишининг баҳолаши, лойиҳалар орқали баҳолаш.

Юқорида санаб ўтилган ноанъанавий ўқитиш усуллари шубҳасиз, касб-хунар коллежларида таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мактабда амалий машғулот катта аҳамиятга эга асосий жараён ҳисобланади. Асосан амалий машғулот жараёнидагина ўқувчиларнинг касбий малакаларини шакллантирилади. Бу кўникма ва малакалар ўқув устахоналарида ўтказиладиган лаборатория-амалий машғулотларда, ўқув амалиётида, ишлаб чиқариш корхоналарида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида шаклланади.

Ишлаб чиқариш амалиётининг мақсади:

- касб бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- маънавий ва касбий қийматга эга бўлган шахсларни тарбиялаш.

Билим-атроф, борлиқ қонуниятлари, қонунлари, ходисалари, предметлари, далиллари, шунингдек, фаолият усуллари ҳақидаги тушунча ва тасаввурларнинг ўзлаштирилиши, тизимга солиниши ва хотиради мустахкамланиши.

Кўникма-онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнат усулларида кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган (одат бўлиб қолган) компоненти-таркибий элементидир.

Малака-ўқув инсоннинг ўзидаги билимларига асосланиб, маълум талабларга риоя қилган ҳолда меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилар бирор ишни бажариш учун зарур бўлган ва етарли даражада эпчил ҳаракатларни ўз ичига олади. Кўникма ва малака бир бутун ҳамда бўлак нисбат кабидир.

Амалий касбий таълим жараёнининг дидактик принциплари:

1. Таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларнинг бирлиги;
2. Ишлаб чиқариш меҳнати жараёнидаги таълими;
3. Касбий-политехник йўналганлик;
4. Назарий ва амалиётнинг боғлиқлиги;
5. Инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш;
6. Замонавий техника ва технологиялар талабларига мойиллиги;
7. Кўникма ва малакаларни шакллантирадиган изчиллик ва мунтазамчилик;
8. Ўқувчиларнинг онгшилиги ва фаоллиги;
9. Ҳаммабоплиги (тушунарлиги);
10. Таълимнинг кўрсатмалиги;
11. Мустақиллик (мақсад ва воситалар);
12. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар, шаклланган кўникма ва малакаларнинг мустахкамлиги.

Ишлаб чиқариш таълимининг шакллари қуйидагича:

-дарс (амалий машғулот) ўқув лаборатория хўжалигида, полигонда, устахоналарда ўқитишни ташкил этиш;

- ўқувчилар бригадаси;
- ишчилар бригадасига қўшиб ўқитиш (ўргатиш);
- ўқувчиларни малакали ишчиларга бириктириш;
- ўқувчиларнинг штатли (маош тўланадиган) иш ўринларида ишлаш амалиёт ўтишлари;
- ўқувчиларни ўқув цехларида ва қўшма корхоналарда, махсус ажратилган участкаларда ўқитиш;
- техник ижодкорлик тўғараклари;
- фронтал машғулотлар;
- звеноларда ўқитиш;
- индивидуал (якка-якка) ўқитиш;
- барча ўқитиш шакллари арасида.

Меҳнат таълимини олиб боришда қуйидаги методлардан фойдаланилади:


1. Оғзаки методлар: ҳимоя қилиб бериш, ўқув материалларни оғзаки баён қилиб бериш, суҳбат.
2. Кўргазмали методлар: ишлаб чиқаришга экскурсия уюштириш, меҳнат усуллари кўрсатиб бериш.
3. Амалий методлар: машқлар, лаборатория-амалий машғулотлар, техника адабиёти, ўқув-техника ва технологияга оид ҳужжатлар устида ишлаш, ўқитишда техник воситалардан фойдаланиш, дастурлаштирилган техник воситалардан фойдаланиш, дастурлаштирилган ўқитиш ва назорат ўргатувчи қурилмалардан фойдаланиш.

Таълим жараёнида бирор методни танлаш учун унинг хусусиятларини чуқур ўрганиб чиқиш керак.


**Амалий машғулотда қўйиладиган методлар ва уларга
қўлланиладиган талаблар**

№	Таълим методлари	Методларни тавсифи	Таълим методларига қўйиладиган талаблар
1	Ҳикоя	Ўқув материални жонли, образли қилиб ҳикоя қилиб беришдир. Ҳикоя максимал назорат ва ўқувчиларнинг галдаги ишларига жипс боғланган бўлиши шарт. Ҳикояни дарс мавзусини қисқача умумлаштириб тамомлаш керак.	Ҳикоянинг тили саводли, ҳар бир тўғри танланиши ва ойдин, равшан талаффуз этилиши шарт.
2	Сухбат	Бунда ўқувчилар устанинг саволига берадиган ёки саволнинг мазмунига мувофиқ сўзга чиқадилар. Сухбатдан ўрганиладиган материал тўғрисида ўқувчиларга маълум хажмда билим бўлган ҳолларда фойдаланилади. Сухбат охирида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини умумлаштиради.	Бунда оғзаки ҳикоя қилиб беришга нисбатан қўйиладиган талаблар бу методдан ўқувчиларда маълум ҳамда билим ва тажриба бўлганда фойдаланилади. Бериладиган саволлар маълум тартибда, ихчам, тушунарли, илгари ўтилган материалга ва сухбат мавзусига асосланган бўлсин. Сухбат аниқ мақсадли кўзда тутсин, сухбатда ҳамма ўқувчилар қатнашсин.
3	Ўқув материални оғзаки баён этиш	Ҳақиқий материалларни изчиллик билан баён қилиб беришдир. Унда мақсад қоида ва тушунчаларни очиқ беришдир. Бунда фактларни таҳлил қилиш ва исботлаш катта ўрин олади. Шу боис уста ўзининг баёнида ўз ёзмаларида, ҳисобларида фойдаланилади, шу тариқа галдаги ишнинг характери ойдинлаштирилади.	Баённинг тили саводли, ҳар бир иборани тўғри танланиши ва ойдин, равшан талаффуз этилиши шарт. Баён кўрғазмали, образли (тасвирли), равон, исботли бўлсин, нутқ ҳаёжонли, ойдин бўлсин.

Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари



Амалий касбий таълим жараёнининг таркибий қисмлари-2



Амалий касбий таълимни бошқа фанлар билан боғлаш йўллари



Амалий машғулот таълимини ташкил этиш шакллари-устоз ва ўқувчини ўзаро боғлиқ биргаликда фаолиятларини қандай ташкил этилишини кўрсатади. Амалий машғулот таълими қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

1. Гуруҳ (жамоаси) шаклида уч ва ундан ортиқ иштирок этувчилар бўлган ҳолда;

2. Якка тартибда устоз фақат битта ўқувчи билан муносабатга бўлган ҳолда, масалан, трактор, автомобиль ёки баъзи бир қишлоқ хўжалик машиналарини бошқаришга ўргатиш жараёнида.

Амалий машғулот таълими бўйича ташкил этилган машғулотлар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

-кириш йўриқномаси;

-ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва жорий йўриқнома;

-якуний йўриқнома.

Амалий машғулот таълимида уч босқичли йўриқномаларни берилиши фаолият кўрсатиш назарияси асосига қурилгандир. Ишлаб чиқариш таълими, шунингдек, қуйидаги шаклларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

1. Ўқувчиларни ўқув ишлаб чиқариш бригадалари таркибида ўқитиш.

2. ўқувчиларни юқори малакали педагогик-муҳандислар жамоаси таркибида ўқитиш.

3. Ўқувчини юқори малакали ишчиларга бириктириб ўқитиш.

4. Саёҳатлар жараёнида ўқитиш.

5. Уйга берилган вазифаларни бажариш жараёнида ўқитиш.

Амалий машғулот таълими жараёнида ўқитувчининг ўқувчиларга (кириш, жорий ва якуний) йўл-йўриқ кўрсатиши муҳим ҳисобланади. Кириш йўриқномасининг кетма-кетлиги:

-машғулот мавзуси ва ундан кўзланган мақсадлар билан ўқувчиларни таништириш (хабардор қилиш);

-ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини текшириб кўриш;

-бажарилиши кўзда тутилган ишнинг мақсади, бажариш тартиби ва муҳим хусусиятларини тушунтириб бериш;

-чизмалар, схемалар ва кўргазмали материаллар тарқатиш;

-ишлатиладиган материаллар, дастгоҳ ва мосламалар билан таништириш;

-ишлаш ва назорат қилиш усулларини кўрсатиш ва моҳиятини тушунтириш;

-технологик йўриқномаларни тарқатиш;

-иш ўринларини оқилона ташкил этиш йўлларини кўрсатиш ва тушунтириш;

-меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш;

-берилган йўл-йўриқни ўқувчилар ўзлаштирганликлари даражасини назорат қилиш;

-ўқувчилар вазифасини бажаришдаги иш усулларини бажарилиш тартибини текшириб кўриш;

-ўқувчиларга вазифалар бериш.

Жорий йўл-йўриқлар кўрсатишни самарали ўтказиш учун қўйиладиган талаблар:

-бажариладиган иш моҳиятига ҳар бир ўқувчини тушунганлигига ишонч ҳосил қилиш;

-ўқувчиларни оқилона (тўғри) ишлаш ва дам олиш тартидини текшириб кўриш ва таъминлаш;

-ўқувчиларнинг вазифасига ижодий ёндошганлигига қараб рағбатлантириш;

-ҳар қайси ўқувчи меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилаётганлигини мунтазам ва қатъий кузатиш;

-ўқувчиларни мустақил ишлаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз ишини режалаштиришга шарт-шароит яратиш;

-ўқувчиларни назорат қилишни улар ўз ишини тугатгунча тўхтатиб турмаслик, оралик назоратларидан кенг кўламда фойдаланиш;

-ўқувчилар иш вақтида унумли фойдаланишларини кузатиш;

-яхши ўзлаштира олмаган ўқувчиларни доимо назоратда тутиб, уларга кўшимча кўрсатма ва ёрдамлар кўрсатиш;

-мунтазам равишда ўқувчиларда юқори даражадаги иш маданиятини тарбиялаш;

-ўқувчиларда кўплаб хатоликларга йўл қўйган ҳолларда жамоа шаклидаги йўл-йўриқ кўрсатишда фойдаланиш.

Якуний йўриқноманинг таркибий мазмуни:

-дарсга якун ясаш;

-баъзи бир ўқувчилар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиш;

-бажарилган ишлари бўйича баҳосини асослаш ва эшиттириш;

-уйга вазифа бериш ва уни бажариш бўйича кўрсатмалар.

Амалий машғулот дарсида эришиладиган натижалар:

-кўзланган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришишганлиги;

-ўзлаштирган билим ва иш ҳаракат усуллариининг чуқур ва пухта ўзлаштирганлик даражаси.

Дарсни таҳлил қилишнинг таҳминий схемаси: дарсни жиҳозлашни даражаси, керакли бўлган жиҳазларни мавжудлик даражаси, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг иш ўринларини ҳолати, хонанинг санитария-гигиеник талабларига жавоб бериш ҳолати.

Амалий машғулотни ташкил этиш мазмуни ва методикаси:

-дарс мақсадларини тўғри аниқланганлиги;

-дарс тухзилмаси ва босқичларининг муқобиллиги;

-дарсни турли босқичларига вақти тўғри тақсимланганлиги;

-ўқув материалларини мазмунини муқобил (меъёрига кўра) танланганлиги;

-ўқувчиларни фаоллаштириш усуллари;

-фанлараро алоқадорликни таъминланганлиги;

-тарбиявий вазифаларни ечиш усуллари;

-кўргазмали ва бошқа дидактик материаллар қўлланганлиги;

-ўқув материалларини илмий баён этилиши ва ғоявий йўлланганлиги;

-дарсни турли босқичларида ўқитиш методларини мақбул қўлланганлиги;

-ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш даражаси;

-ўқитувчининг педагогик маҳорати, техникаси, нутқи ва шунга ўхшаш хусусиятлари;

-ўқитувчининг ўз фанини ўқитаётган мавзусини билим даражаси.

Меҳнат таълими бўйича кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

1. Амалий фаолият мақсадини англаб олганлиги;
2. Амалий ишларни мустақил бажарилиши;
3. топшириқ учун ажратилган вақт нормасини бажарилиши.

2.4. МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ ВА МАДАНИЯТИ

Меҳнат таълими ўқитувчиси раҳбарлигидаги ўқувчилар томонидан бажариладиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жараёнидан иборат бўлиб, якуний натижада уларнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва жараёнлари ҳақидаги билимларни ҳамда маълум соҳадаги ишлаб чиқариш меҳнатини бажариш учун зарур амалий кўникма ва малакаларини эгаллашларига, онгли равишда касб танлашга ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қуйилишларига имкон берувчи шахсий сифатларини ва тафаккурларини шакллантиришга қаратилган ўқув фанидир. Ўрта мактабдаги меҳнат таълимини шартли равишда ўқув ва унумли меҳнатга бўлиш мумкин.

Ўқув меҳнати актив фаолият бўлиб, атрофдаги воқеяликни ва ўзини билишга қаратилган, мақсад, куч, ғайрат ва эришилган натижалар мавжуд бўлгандагина таълим меҳнатга айланади. Ўқув меҳнати фаол фикрлаш билимларни мустақил эгаллаш, қайта ишлаш ва ижтимоий тажрибада қўлланиш асосида қўланилади. Шу асосда кишининг ўз қарашлари ва эътиқоди шаклланади. Камол топаётган кишилар фақат фан асосларинигина эмас, балки уларнинг амалий технологик мазмуни ва тадбиқ этилишини ҳам ўзлаштириб оладилар. Шу билан бирга бу жараён амалиётнинг назарияга сингиб кетиши сифатида эмас балки назарий ва амалий мўлжал асосларининг қўшилиб кетиши сингари намоён бўлади.

Унумли меҳнат болалар ва катталарнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва оламни ўзлаштиришга қаратилган самарали меҳнати, шахснинг

ҳозирги вақтдаги ва келгусидаги жисмоний-маънавий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий маданиятни ишлаб чиқаришдир. Ҳақиқий фойда келтирадиган унумли меҳнат тарбиявий меҳнатга айланади, бунда содир бўладиган меҳнат муносабатларида унинг қатнашчиларини шахсий ва ижтимоий манфаатлари онгли ва уйғун равишда қўшилиб кетади. Унумли меҳнат иқтисодий масалалардан ташқари тарбиявий, таълимий маълумот берадиган вазифага ҳам эгадир.

Унумли ўрта таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида меҳнат таълими фанини ўқитишнинг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, меҳнат ва касбларни кадрлаш, уларни аҳамиятини тушунишга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларни касбга тайёргарликларини амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсад амалга ошириш учун, таълимий-тарбиявий ривожлантирувчи вазифаларни бажариш лозим.

Таълимий вазифа-ўқувчиларни баркамол шахслар бўлиб шакллантиришлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технология, техника ва ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини ўргатиш, касб танлашга йўналтириш ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишга тайёрлашдан иборат.

Тарбиявий вазифа-ўқувчиларда меҳнат кўникмалари шакллантириш жараёнида меҳнат ва касб муносабатлари юқори ахлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва тадбиркорликни ривожлантириб боришдан иборат.

Ривожлантирувчи вазифа-меҳнат таълими машғулотида жараёнида ўқувчиларга ақлий, жисмоний, ахлоқий, баъдий-эстетик тарбия ва таълим бериш касбга тайёргарликларини амалга ошириш орқали уларнинг баркамол шахслар бўлиб етишишларига ёрдам беришдан иборат.

Меҳнат таълими фанининг мазмуни шартли равишда учга яъни меҳнат таълими тайёргарлиги, касблар бўйича тайёргарлик ва касбгача махсус тайёргарлик қисмларига бўлинади. Бу қисмлар ҳар бир дарс ва амалий машғулотларнинг таркибига сингиб кетган бўлиб, уларни ўқитувчилар томонидан илмий, услубий нуқтаи назардан ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилиб борилиши, меҳнат таълими машғулотларини аниқ мақсадга йўналтирилган бўлишини таъминлайди.

Меҳнат таълимининг йўналишлари мактаб ва касб-ҳунар коллежлари атрофидаги корхона, ташкилотлардаги касбларга мувофиқ танлаб олинади. Шунга кўра ҳар бир мактабда меҳнат таълимидан қуйидаги йўналишларни асос қилиб олиш мумкин:

- ёғоч ва металга ишлов бериш технологияси;
- газламага ишлов бериш технологияси;
- пазандачилик асослари;
- қишлоқ хўжалик асослари;
- халқ ҳунармандчилиги ҳамда йўналишларда.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуйидаги бўлимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмаларини шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари;
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумотлар ва ишлатиш усуллари;
3. Машина, механизм, станоклар ва мосламаларнинг умумий тузилиши;
4. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси;
5. Халқ ҳунармандчилиги касблар бўйича умумий маълумот бериш.

Бундан ташқари уй-рўғзор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмаларини шакллантириш, компьютер технологиясидан фойдаланиш, электротехника воситаларидан тўғри фойдаланиш ва таъмирлаш, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик билимлар ҳамда

хавфсизлик техникаси қоидалари, санитария-гигиена қоидалари ҳақидаги билимлар ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда берилади.

Ўқувчиларнинг меҳнат таълимини амалга ошириш учун қуйидаги ташкилий ва услубий вазифаларни ҳал қилиш лозим:

Ташкилий вазифалар: меҳнат таълими бўйича ўқув хонаси ва устахона ташкил қилиш ва уларда хавфсизлик, қулай меҳнат шароитларини яратиш. Маҳсулотлар учун зарурий ҳомашё, материал, асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ҳамда мосламалар механизмлар, станоклар билан амалий ишлаш жараёнини ташкил қилиш. Санитария, гигиена ҳамда меҳнат хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, касблар ва касб эгалари билан яқиндан танишиш учун корхоналар, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар, муассасалар билан доимий алоқа ўрнатиш ва шартномалар тузиш.

Расмий ҳужжатлар: меъёрий режалаштирувчи ҳужжатлар устахона хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига доир ҳужжатларни юритиш.

Услубий вазифалар: машғулотларни иш режаларини тузиш. Бунда маҳаллий шароитлар, эҳтиёжлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни яқиндан таштириш умумкин бўлган касб турларини танлаш, ўғил ва қиз болаларнинг ўзларига хос меҳнат машғулотларини ва касб танлашларини амалга ошириш, машғулотларда замонавий илғор педагогик технологиялар, янги дидактик воситалардан кенг фойдаланиш, таълим ва тарбияни бирлигини таъминлаш, ўқувчиларга турли касбларга тегишли дастлабки меҳнат, кўникма ва малакаларни, меҳнатсеварликни шакллантириш. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларни ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ривожлантириб боришда уларнинг ёш хусусиятларини, шахсий психологик ва физиологик сифатларини ҳисобга олиш ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини рейтинг тизими асосида назорат қилиб бориш. Халқ хунармандчилигини

айрим касбларини ўргатиш учун уста-шогирд ёки ота-ўғил, она-қиз шаклларида фойдаланилади. Бундай машғулотларни тегишли халқ усталари билан мактаб ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ташкил қилинади.

Машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш кетма-кетлиги маҳаллий шароит ва имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитувчи томонидан хал қилинади.

Амалий машғулотларнинг мақсади ўқувчиларга ўрганилаётган билим, кўникма ва малакаларни бевосита ижтимоий фойдали ва унумли ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида (устахонада, фермада, корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги экинзорларида ёки ҳунарманд уста ҳузурида) мустаҳкамлашни бозор муносабатлари қоидалари асосида ташкил қилишдан иборат.

Билим кишиларнинг назарий маълумотларда ифодаланган ва ишлаб чиқариш топшириқларини онгли равишда бажариш учун зарур умумлашган тажрибасидир. Билимларни ўзлаштириш, фактларни, ҳодисаларни, тушунчаларни ва қонуниятларни билиб олишдир.

Кўникма инсоннинг ўзидаги билимларига таяниб ва маълум талабларга риоя қилиб меҳнат жараёнларини бажара олишидир. Ўқувчилардаги билим, кўникма бирор ишни бажариш учун зарур ва етарли даражада епчил ҳаракатдан иборат бўлади.

Малака онгли равишда бажариладиган ишнинг бир хил меҳнатни кўп марта такрорланадиган, автоматлашиб кетган таркибий элементиدير.

Касб инсоннинг доимий такрорланиб турадиган ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, у умумий махсус таълим олиш билан ўзлаштирилган билим ва малакаларни талаб қилади.

Ихтисос касбдан жамиятда меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келади ва шахс томонидан мукамал эгаллаб олган тор меҳнат фаолиятидир.

Масалан, тикувчи, бичувчи, модельер.

Малака-кишининг касб маҳоратини, ҳунарни эгаллаш даражасидир. Ишнинг малакаси таъриф заряди, класс ёки унвон билан белгиланади. Ишлаб чиқариш жараёнини ҳар қандай машина, механизм ва хатто айрим деталларни яратиш. Бу жараён охиригача бажарилган ишлар циклидан иборатли бўлиб фарқланади.

Технологик жараён-ишлаб чиқаришнинг бир қисми бўлиб, ҳар қандай буюмни яратиш учун ашёлар ҳолатини ўзгартиришдан иборатдир.

Технологик операция-технологик жараённинг бир иш ўрнида битта ёки бир неча ишлар охиригача бажариладиган қисмидир. Масалан: бичиш, тикиш ва ҳакозо.

Иш усули-ишчининг технологик операциясида айрим технологик ўтишларни бажаришдаги ҳаракатлари мажмуидир. Меҳнат ҳаракати ишчининг бирор технологик ўтиш элементини бажариши. Иш ҳаракати ишнинг бирор технологик ўтишни бажариш учун меҳнат ҳаракатларининг мажмуидир.

Таълимнинг тарбиявийлиги: ўқув материали мазмунининг ғоявий йўналишини белгилаш. Ўқитувчининг юксак ғоявий-сиёсий сифатлари ва шахсий ибрати. Меҳнат ва касб таълими жараёнида узлуксиз тарбиялаш ишларини амалга ошириш.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш: ҳозирги замон фанида узул-кесил исботланган қоидаларни ўзлаштириш. Фақат фан ва техникада қабул қилинган атамалардан фойдаланиш, мамлакатимизда ва чет элларда фан-техника бўйича эришилган янги муваффақиятларни ўрганиш.

Таълимнинг мунтазамлиги ва изчиллиги: меҳнатва касб таълимини дастурдаги тартибда ташкил этиш, шунингдек, ўқитишни янги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш мақсадида, илгари ўрганилган материалларга боғлаб амалга ошириш.

Назарияни амалиётга боғлаш: назарий билимлардан амалиётда ва ўқувчиларнинг тажрибаларидан назарий машғулотлардан фойдаланиш.

Таълимнинг ўқувчиларга тушунарлиги: таълимнинг мазмуни унинг усулларга мос бўлиши, ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний имконият ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш. Бу талабалар ўқув материални қисмларга тўғри тқсимлаш, таълимнинг турли усулларидадан фойдаланиш, вақт нормаларини тўғри белгилаш, ўқувчиларнинг қизиқишларини назарда тутиш билан бажарилади.

Таълимнинг политехник йўналиши: ҳозирги замон тараққиёти тўғрисида, ишлаб чиқаришда кўп учрайдиган технологик жараёнлар тўғрисида, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлашидаги умумийлик тўғрисида маълумотлар бериш, хилма-хил меҳнат малакаларини сингдириш, меҳнат масалаларини ижодий ҳал қилишни, ихтирочилик ишларини, умумтаълимий ва махсус фанлардан олинган билимларни амалга тадбиқ этишни ўргатиш.

Таълимий ва тарбиявий меҳнат: ижтимоий фойдали буюмлар яратиш борасидаги унумли меҳнат асосида ишлаб чиқариш таълими бериш. Бу меҳнат технологик жиҳатдан яхши таъминланиши билан фарқланади.

Таълимнинг онглилиги ва фаоллиги: таълимни ўқувчиларда ташаббускорлик ва устақилликни тарбиялайдиган йўсинда олиб бориш. Мана шу фазилатлар ўқув материалларни яққол ифодалаш ва уларни ўқувчилар тушуниб ўзлаштириши, назарий ҳамда ишлаб чиқариш таълимини узвий боғлаб олиб бориш, таълимнинг энг самарали усуллардан фойдаланиш натижасида таркиб топади.

Кўрсатмалилик: таълимни ўқувчиларда дунёдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида жонли мушоҳада асосидаги тушунча тасаввур ҳосил қиладиган, кўникма ва малакаларни шакллантирадиган йўсинда амалга оширишни таъминлаш. Кўрсатмалилик экскурсиялар уюштириш, меҳнат усулларини, плакат, схема, буюмларнинг намуналарини, диафильмларни намойиш этиш орқали амалга оширилади.

Билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш: ўтилган ўқув материалларни мунтазам равишда такрорлаб бориш, янги материални мустаҳкамлаш тадбирларини қўллаш. Бунга материални тушунарли қилиб баён этиш, машқлар ўтказиш, илгари ўтилган материални ўз ўрнида такрорлаш, уларни аста-секин мураккаблаштира бориш, доимо ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиш орқали эришилди.

Меҳнатфанлар асосини чуқур ва амалий ўзлаштиришда болалар дунёқарашини шакллантиришда, уларни фикр юритишга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий воситалардан биридир. Кўп асрлик тажриба шуни кўрсатадики, инсонларнинг меҳнати туфайли чексиз бойликлар ва имкониятлар пайдо бўлади. Меҳнат фани иқтисодий ривожланишнинг асосий омили ҳисобланиб, ўқувчиларнинг иқтисодий билимини ҳам мустаҳкамлайди.

Собиқ тузум даврида иқтисодий меҳнат тарбияси ёрдамида ўқувчиларда илғор умумбашарий ва миллий ғурурни шакллантиришга етарли эътибор берилмади. Айниқса меҳнат дарси орқали болаларда иқтисодий билим ва малакани пайдо қилишдек дарснинг асосий мақсадидан чекинилди. Аслида эса меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва иқтисодий меҳнат фаолияти кўникмаларини шакллантириш ва кучайтириш лозим.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар нечоғли қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билимга ва малакага эга бўлдилар. Аввало бу дарсларнинг мазмунини тўғри белгилаб олиш зарур. Меҳнат таълими тарбиясининг ижтимоий ва иқтисодий йўналганлиги, меҳнат дарсларини бозор иқтисоди талаблари асосида педагогик технологиялардан ва малакалардан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳисобга олган ҳолда, уларни амалий санъат тўғарақларига жалб қилиш ўқувчиларга

меҳнат дарсларида иқтисодий билим беришда ёши, шахсий хусусияти эътиборга олиш, ўқувчиларнинг меҳнат натижаларини рағбатлантириш ва камчиликларини дўстона ҳал этиш каби масалалар дарснинг мазмунини ташкил этади.

Меҳнат дарслари болалар учун иқтисодий билимлар билан бирга теварак-атрофдаги ҳаётни ўзига хос тарзда боғловчи омил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳозирги кунда меҳнат дарсларида “ўз-ўзини бошқариш” ва “ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш” каби ижодий амалий ишларни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўқувчилар “Мато билан ишлаш” машғулотларида керакли асбоблар ва керакли газламалар ёрдамида аниқ режа белгилаб, ўлчам оладилар ва шу ўлчам асосида иш фартуги, игна қадагич, чойнак ёпқич, чойнак таглиги, юмшоқ ўйинчоқ каби буюмлар тикишни ўргатадилар. Тикиш жараёнида қайси мато туридан ишлатишни, матони исроф қилмасликни, ишнинг сифатлилигини, эстетик жиҳатдан бежирим ва чиройли бўлишига ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг бажарган ишлари асосида мактаб шароитидан келиб чиқиб, ҳар хил кўргазмалар ёки ўқувчиларнинг ўзлари учун мактаб бозорларини ташкил этиш мумкин. Бу ўқувчиларда ўзига ишонч, ижодкорликка интилиш, ўзгалар меҳнатига ҳурмат туйғуларини шакллантиради. Ўқувчи онгида меҳнатга муҳаббат хисси қарор топади. Натижада ўзининг касбини, ҳунарини ҳурмат қиладиган, жамиятимиз ривожини учун муносиб ҳисса қўшоладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритишимиз мумкин.

ХУЛОСА

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига меҳнат таълимининг мактаб ўқув режасидаги тутган ўрни ва ўқувчиларга материалшунослик уларга ишлов берадиган асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар турларини ва иш принципи ўргатилинади. Материалдан юқорида кўрсатилган асбоб-ускуналардан фойдаланиб маҳсулотлар тайёрлаш ва бу маҳсулотларни бозордаги ўрни турмушда ишлатилиш соҳалари, уларнинг вазифалари тўғрисидаги билимлар берилган. Бундан ташқари металга, ёғочга, газламага ишлов берадиган маҳсулотлар тайёрлайдиган касблар тўғрисида умумий тушунчалар берилган.

Умумтаълим мактабларида меҳнат таълими дарсларида ўқитувчининг ўрни меҳнат таълимининг вазифалари ва уларга қўйиладиган ДТС талаблари ёритилган. Бу талабларни амалга оширишда ўқувчиларга меҳнат таълими бўйича қуйидаги йўналишларда (технология ва дизайн, сервис хизмати, кишлок хўжалик асослари) назарий билим амалий малака ва кўникмалар берилади. Ўқувчиларга халқимизнинг ҳунармандчилиги технологияси тўғрисидаги билимлар берилади. Ҳунармандчилик касбига йўналтирилади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимида дарс бериш усуллари мунтазам такомиллашиб бормоқда. Педагог-олимлар дарсларни ўзлаштириш, билимларни талабалар онгига чуқур сингдиришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқмоқдалар. Ўқитишнинг мақсади нафақат ўқувчиларга билим бериш, балки ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш, уларнинг дарсларга қизиқишини кучайтиришдан ҳам иборатдир.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқитилаётган фан бўйича нафақат илмий ахборотларни, янги билимларни ҳам беради. Балки, у ўқув жараёнини режалаштириб, бошқариб бориш билан бирга дарс мобайнида ўқувчиларнинг билимларини ўзлаштириш жараёнини текшириб, назорат қилиб боради ва

ўқиш давомидаги меҳнат қилиш кўникмасини, фикрлаш қобилиятини, олган билимларини амалда қўллаш малакасига ўргатади.

Таълим мазмунан мураккаб, шаклан ранг-барангдир. У ўз ичига нафақат билимлар ва кўникмаларни олади, балки танқидий фикр қилиш, юқори даражада тарихий рўй бераётган воқеаларга баҳо бериш ва олган билимларини амалда изчиллик билан қўллай олишни ҳам ўрганади. Дарс жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг узлуксиз меҳнати тарзида ўтса, ўқувчининг фикр қилиш қобилияти, нутқи, савол-жавоб бериш маҳорати ўсади. Охир-оқибатда унинг илмий-амалий салоҳияти шаклланиб ривожлана боради, ўқишга бўлган қизиқиши ортади. Ўқимишли инсоннинг 3та хусусияти мавжуд кенг миқёсдаги билими, тинимсиз фикрлаши ва намунавий ахлоқ одоби.

Ҳозирги вақтда қўлланилаётган педагогик технологияларда айнан, ўқувчиларда ана шу учта хусусиятни шакллантиришга қаратилган. Шунинг учун дарсларни монолог сифатида эмас (яъни ўқитувчи гапиради, ўқувчилар тинглайди) балки ўқувчиларни тинимсиз, мустақил меҳнатини ташкил қилиб, дарс бериш тизимига ўтиш керак. Бунинг учун ўқитувчиларни фаоллаштирилган ҳолда дарс олиб боришга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Фаоллашган ҳолда дарс ўтишнинг бир нечта технологияси маълум. Булар куйидагилар: бир-бирига маълум қилиб ўқитиш; матн, ўқиш, хулоса қилиш; хаяжонга келиш; фикрлаш; хулоса қилиш.

Қайд қилинган усулларни қўллаб дарс ўтиш учун гуруҳ 4-6 кишилик гуруҳчаларга бўлиниб аввал гуруҳ ичида муаммо муҳокама қилинади, кейин гуруҳлараро муҳокамага ўтади. Ўқитувчи муҳокама жараёнини бошқариб боради. Бу усулга кўра ўқув жараёнида ўқувчилар фаол иштирок этадилар. Муҳокамада барча ўқувчилар иштирок этадилар. Бундай усулда дарс ўтиш ўқувчиларда фикр қилиш, нутқ, муҳокама маҳорати кескин ўсади. Ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш юқори даражада бўлади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Юксак малакали мутахассислар тараккиёт омили" Т. 1995 й. 23 бет.
2. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари" Т. 1998 й. 68 бет.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Т. 1997 й. 63 бет.
4. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари. Т. 1990й.230бет.
5. Булатов С.С. Ёшларга хунар ўргатишни миллий-анъанавий асарлари (методик тавсиянома) Т. 1999 й. 20 бет.
6. Воробев А.И. Мехнат таълими ва касб танлашга йўллаш методикаси. Т. 1980й. 208 бет.
7. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси. Т. 1992 й.
8. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими, тарбиясидан амалий машғулотлар. Т. 1995 й.
9. Скакун В.А. Ишлаб чиқариш таълими устози учун қўлланма. Т. 1992 й.
10. Болтабоев С. Касб таълими методикаси. Т. 2002 й.
11. Толипов У. Касбий педагогикаси. Т. 2001 й. 100 бет.
12. Болтабоев С. Касб танлашга йўллаш. Т. 2000 й.
13. Маъзумов П.Г. Уқувчиларни мехнатга ва касб танлашга тайёрлаш. Т. 1991 й. 206 бет.
14. Тхоржевский Д.А. Мехнат таълими методикаси. Т. 1982 й. 80 бет.
15. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари. "Таълим тараккиёти 1У-махсус сон" 1999 й.
16. Мехнат таълимидан умумий ўрта Т. 1995 й. 23 бет.
17. Мехнат таълимидан АЛ ва КХКлар учун ўқув дастури. Т. 2000 й.
18. Макиенко Н. "Чилангарлик" Т. 2003 й.
19. Толипов У. Умумий ўрта таълим мактабларида мехнат таълимидан давлат таълим стандартини амалиётга жорий этиш. Методик қўлланма. Т. 2000 й.
20. Турсунов А.И. Педагогика курси Т. 1997 й. 232 бет.
21. Шодиев Т. Талабаларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш. Т. 1987 й. 232 бет.
22. Қишлоқ мактабларида умумий таълим фанларини ўрганишда ўқувчиларини касбга йўллаш. Т. 1978 й. 112 бет.
23. Таълим муаммолари Т. 2008 й. 1-4 сонлари.
24. К.Давлатов ва бошқалар, Мехнат ва касб таълими тарбияси ҳамда касб танлаш назарияси ва методикаси.Т., 1992.
25. Б.Қурбонов. Мехнат таълимини ўқитиш методикаси. Гулистон.,2007.

26. Умумлаштирилган ДТС ва дастури.Тошкент., 2010.июн ОЎМТВ ва ХТВнинг қўшма буйруғи.

27. “Меҳнат таълимидан умумлаштирилган ўқув дастури”., тошкент-2010 й.

28. У.Ахроров. Мавлюда Вакил.”Таом тайёрлаш технологияси”.,тошкент-2004й.

29. В.А Панкратова.”Тикувчиликдан ишлаб чиқариш таълими асослари” тошкент-2007й.

30. Х.Н.Ядгорходжаев.С.С.Яхяев.”Тикувчилик жиҳозлари ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш қарови”., тошкент-2002й.

31. Олимов Қ. ва бошқалар "Касб таълими услубияти" Т. 2006 й. 159 бет.

32. Хаджабоев А., Хусанов И. "Касб таълими методологияси" Т. 2007 й. 191б.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР

1. Маърифат газетаси 2007-2011 йй.
2. Халқ таълими журнали 2000-2011 йй.
3. Таълим тараккиёти журнали 2010 -2011 йй.
4. Касб-ҳунар таълими журнали 2000-2011 йй.
5. Узлуксиз таълим журнали 2005-2011 йй.
6. Мактаб ва ҳаёт журнали 2010-2011 йй.

ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Bob kizlik. Lesson Planning, Lesson Plan Formats and Lesson Plan Ideas.. [www. ADPRIMA com.](http://www.ADPRIMA.com)
2. Околелов О.П. Дистанционное обучение: сухность, дидактические особенности технологии. [http:FF www.lipetsk.ruFlegi](http://www.lipetsk.ru/Flegi)
3. Мила Новик. Современнуе технологии в образовании (продолжение)FF Новуе знания.1999 №4 с 39-42 [www. dvgu.ru FumuF didjest Fnew knowF yar 99F mainkn 99.htm.](http://www.dvgu.ru/FumuF didjest Fnew knowF yar 99F mainkn 99.htm)